

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА

МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ПЕДАГОГИКА ФАКУЛЬТЕТИ

“УМУМИЙ ПЕДАГОГИКА” КАФЕДРАСИ

**“ОИЛАДА ДАСТЛАБКИ ОДОБ ҚОИДАЛАРИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШДА ОТА-ОНАНИНГ ЎРНИ” МАВЗУСИДАГИ**

Б И Т И Р У В М А Л А К А В И Й И Ш И

Бажарди: “Бошланғич таълим ва
спорт тарбиявий иш” таълим

йўналиши битирувчи 4 курс

талабаси Юсупова Г.

ИЛМИЙ РАҲБАР:

Ўқитувчи Холов О.

Битирув малакавий иши кафедрадан дастлабки ҳимоядан ўтди.

_____ сонли баённомаси “_____” _____ 2014 йил

ТЕРМИЗ – 2014

**Мавзу: Оилада дастлабки одоб қоидаларини шакллантиришда ота-
онанинг ўрни.**

Режа:

Кириш.

I.Боб. Оила одоб-ахлоқ тарбиясининг миллий-педагогик асослари.

I.1. Шарқ алломаларнинг оилада бола тарбияси ҳақидаги қарашлари.

I.2. Бола тарбияси давлат сиёсатидаги устувор вазифалардан бири эканлиги.

II.Боб.Оилада дастлабки одоб қоидаларини шакллантиришнинг усул ва воситалари.

II.1. Оилада фарзандларга дастлабки одоб қоидаларини шакллантириш усул ва воситалари.

II.2. Оилада дастлабки одоб қоидаларини шакллантиришнинг тажрибадаги натижалари.

Умумий хулоса, тавсиялар ва илова

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, ўзига хос бўлган тараққиёт йўлини босиб ўтмоқда ва бугунги кунда жамият маънавиятини юксалтириш муҳим вазифалардан бири эканлиги таъкидланмоқда. Президентимиз И. А. Каримов таъкидлаб ўтганидек: “Халқнинг маънавияти ва маданияти, унинг ҳақиқий тарихи ва ўзига хослиги қайта тикланаётганлиги жамиятимизни янгилаш ва тараққиёт эттириш йўлидан муваффақиятли равишда олға силжитишда ҳал қилувчи, таъбир жоиз бўлса, белгиловчи аҳамиятга эгадир. Юксак маданиятни эса, чуқур ички маънавиятга эга бўлган халқ яратади. Ана шу халқгина буюк яратувчилик кудратига эга бўлади”¹.

Бугунги ўз-ўзини бошқариш, яъни маҳаллалар тизимида оила жамиятнинг ижтимоий пойдеворидир. Шунга кўра, жисмоний соғлом, маънан баркамол, ахлоқан пок ва юксак маданиятли ёш авлодни вояга етказиш оиладан бошланади. Оила ҳаётнинг асосий мақсади аҳолини қайта тиклаш, болалар тарбиясидир. Болалар тарбиясининг бош мактаби эса ота-онанинг ўзаро муносабатидир. Мана шу оилавий муносабат маданиятнинг такомиллашиши ёш авлоднинг моддий олам, ижтимоий ҳаёт ҳақидаги тасаввурлари, нуқтаи назарлари, тушунчалари, дунёқарашлари ва шарқона одоб-ахлоқ қоидалари, уларга риоя этишнинг тўғри йўлини кўрсатади. Ёш авлоднинг маънавий қиёфаси, уларнинг ҳатти-ҳаракати, хулқ-атвори дастлаб оилавий муносабат маданиятида бошланади. Ҳар бир инсон, у катта ва кичиклигидан қатъи назар, ўзининг ҳис-туйғусини, ички тугъенини, орзу-умидларини муносабат жараёнида баён этади. Шунинг учун ҳам жамият тараққиёти, инсонларнинг яхлит ҳолда шаклланиши, уларнинг бир-бирлари билан бўладиган ўзаро муносабатида, ҳамкорлигида, ўзаро таъсирида вужудга келади.

Узоқ асрлардан буён аجدодларимиз оилавий ҳаётни соғлом турмуш тарзининг асосий қисми деб, оилавий ҳаётнинг муқаддаслигини эътироф

¹ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т., “Ўзбекистон” 1996

этиб, оилада фарзандларни ҳаёт гулшани деб, уларни бақувват, ақлли, одоб-андишали қилиб ўстиришга катта аҳамият беришган. Оила поклиги, маънавий маданияти, унинг ислом шариати асосида шаклланиши, зўравонлик асосига қурилган муносабатларга йўл қўймаган. Фарзанд тарбияси оиланинг муқаддас вазифаси бўлиб ҳисобланган. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: “оила бизнинг халқимиз учун миллатнинг кўп асрлик анъаналари ва руҳиятига мос бўлган ғоят муҳим ҳаётий қадриятлардан биридир”¹. Таъкидланган ушбу қадриятлар авлоддан-авлодга ўтиб, сайқаланиб, оилавий муносабатлар маданиятини такомиллаштиришда, ёш авлодни жисмонан соғлом, маънан баркамол, ахлоқан пок этиб тарбиялашда катта аҳамиятга эга бўлиб борди.

Аммо, шўролар тузуми даврида маданиятга мафкуравий ёндошув ҳукм сурди. Асрлардан буён авлодларимиз томонидан авайлаб-асраб келинган халқимиз турмуш тарзининг таркибий қисмига айланиб, қон-қонига сингиб кетган ҳақиқий халқчил урф-одатлар, маросимлар ва анъаналарнинг тарбиявий таъсири камситилиб, Европа ва Россия оила, тарбия модели тарғиб қилинди, маҳаллалар ўрни камситилди. Тарбиявий соҳадаги бундай узлуксизликнинг узилиши, республикаимиз туб аҳолисининг ўз миллий қадриятларидан жидо этилиши уларни маънавий қашшоқлаштирди. Дин, хусусан ислом тарихи, унинг маданиятига, таъсири, манбаларни объектив ёритишда дунё илмидан орқада қолинди. Эндиликда динимиз ахлоқий масалалар билан узвий боғлиқлиги, у ахлоқ-одоб, маънавиятни бойитишда муҳим манба эканлиги намоён бўлмоқда.

Ижтимоий ҳаётимиздаги бундай шовинистик, манқуртларча сиёсат оилавий муносабатларга, оилада фарзандлар тарбиясига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмай қолмади. Оилавий муносабатда ҳам тушунмовчилик, зўравонлик, оқибатсизлик, жанжаллар келиб чиқишига сабаб бўлди. Оиладаги бундай салбий ҳодисалар айрим ҳолатларда ажралишлар билан тугалланди. Айрим нотўлиқ оилаларда ўсаётган фарзандлар тарбиясининг

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари. Т., “Ўзбекистон” 1997

номутаносиблиги, улар орасида вояга етмасдан жиноят содир этиш ҳолларининг ортиб бориши, ҳудудимиздаги иқтисодий танглик, экологик ҳолат, демографик вазиятнинг аҳоли саломатлигига салбий таъсири, оилани мустаҳкамлаш, оилавий муносабатлар маданиятини такомиллаштиришга, инсониятнинг кенг тараққиёт оқимига қўшилиб, умуминсоний ва миллий манфаатлар асосида ҳал этишни, айниқса оилада соғлом авлодни шакллантириш муаммоси механизмларини ишлаб чиқишни долзарб масалага айлантирди.

Бугунги кунда оила ва оилавий муносабатлар масаласи, энг долзарб бўлиб, президентимизнинг олиб бораётган доно сиёсати натижасида оила институтини қайта қуриш, миллий урф-одатлар негизидан келиб чиқиб, оилавий тенденцияларни вужудга келтириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Оилада фарзанд тарбиясида ота-оналар эътиборнинг қаратилаётганлигига боғлиқ эканлигини назарда тутиб, биз битирув малакавий ишимизни **“Оилада дастлабки одоб қоидаларини шакллантиришда ота-онанинг ўрни”** деб номладик.

Битирув малакавий ишнинг мақсади: Фарзандларга оилада дастлабки одоб қоидаларини шакллантиришнинг самарали йўллари усул ва шакллари ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этишдан иборат.

Битирув малакавий ишнинг объекти: Ота-онанинг оилада дастлабки одоб қоидаларини шакллантириш жараёни.

Битирув малакавий ишнинг предмети: Оилада дастлабки одоб қоидаларини шакллантиришнинг мазмуни, шакл ва методлари.

Битирув малакавий ишнинг вазифалари:

- Оилада дастлабки одоб қоидаларини шакллантиришда ота-онанинг ўрни долзарб педагогик муаммо эканлигини асослаш;

- Оилада дастлабки одоб қоидаларини шакллантиришда ота-онанинг ўрни борасидаги тажрибаларни ўрганиш, самарали усул ва шакллари аниқлаш;

- Оилада дастлабки одоб қоидаларини шакллантиришда ота-онанинг ўрнига йўналтирилган маънавий ахлоқий ишларнинг самарадорлик даражасини аниқлаш ва одоб қоидаларини шакллантиришга йўналтирилган илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Битирув малакавий ишнинг методлари: битирув малакавий ишимизда педагогик тадқиқотнинг педагогик таҳлил, қиёсий таҳлил, анкета, савол-жавоб, суҳбат, интервью, кузатиш, педагогик эксперимент каби усулларидан фойдаландик.

Битирув малакавий ишнинг методологик асослари: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», ёшлар маънавиятини юксалтиришга қаратилган Давлат дастурлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари; меъёрий ҳужжатлар; Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқ ва маърузалари, асарлари, ўзбек халқ педагогикаси анъаналари, Педагогика фани концепцияси, педагогиканинг назарий асослари ва педагогик технологияларга яхлит ёндашиш, мавзуга оид илмий-педагогик, фалсафий, сиёсий манбалар ташкил қилади.

Битирув малакавий ишнинг илмий фарази. Оилада дастлабки одоб қоидаларини шакллантириш юқори бўлади, агарда:

- оилада дастлабки одоб қоидаларини шакллантиришда ота-оналар миллий ва тарихий тажрибалардан унумли фойдаланилса;

- оилада дастлабки одоб қоидаларини шакллантиришда ота-онанинг ўрнига йўналтирилган педагогик жараён муайян илмий-педагогик тавсияларга таянган ҳолда ташкил этилса, оилада дастлабки одоб қоидаларини шакллантиришда ота-онанинг ўрни самарали бўлади.

Битирув малакавий ишнинг илмий янгилиги:

Оилада дастлабки одоб қоидаларига ўргатиш битирув малакавий иш сифатида илк бор ишланаётганлиги, ҳамда замонавий ёшлар ҳаётида дастлабки одоб қоидаларининг шаклланганлигини қиёсий ўрганиш орқали оилалар учун методик тавсиялар ишлаб чиқилганлигида.

Битирув малакавий ишнингнинг илмий аҳамияти:

Оилада дастлабки одоб қоидаларини шакллантиришга йўналтирилган назарий ёндошувлар, илмий-методик тавсиялар билан бойитилди.

Битирув малакавий ишнингнинг амалий аҳамияти: Ота-оналарга оилада дастлабки одоб-қоидаларини шакллантириш учун илмий-методик тавсиялар тақдим қилинди.

Битирув малакавий ишнинг тузилиши: кириш, 2 боб, 4 параграф, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар ва иловалардан иборат.

I.Боб. Оила одоб-ахлоқ тарбиясининг миллий-педагогик асослари.

I.1. Шарқ алломаларнинг оилада бола тарбияси масалалари ҳақида қарашлари.

Шарқда оила, оила қуриш, унинг мустаҳкамлиги, фаровонлиги, барқарорлигини таъминлаш инсоннинг ўз миллати, аجدод – авлодлари ва жамият олдидagi энг муқаддас бурчларидан бири ҳисобланади. Оила, эр – хотин муносабатлари қадимги қўлғезмаларда, жумладан, буюк мутафаккир Зардушт диний асар сифатида бир тизимга солган “Авесто”да ҳам етарлича ўз ифодасини топган бўлиб, унда барчанинг оила ва оилавий муносабатларга оид қоидаларга риоя қилиши лозимлиги таъкидланган. Асарда эр-хотиннинг вафо ва садоқати юксак баҳоланиб, уларнинг бир-бирларига ғамхўр ва меҳрибон бўлишларига эътибор қаратилган. Унда яқин қариндошларнинг ўзаро оила қуриши ман этилган, кўп болали оилаларга давлат ҳисобидан нафақа тайинлаш лозимлиги уқтирилган. Бир нечта фарзандни тарбиялаган аёллар муқофотланишга сазовор эканлиги таъкидланган. Диққатга сазовор жиҳати шундаки, аёлнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш ўша даврда ҳам қонун даражасига кўтарилган.

Қадимги шарқ фалсафасида ва муқаддас Қуръони Карим-Ҳадиси Шарифда оиланинг муқаддас қадриятлардан бири эканлиги ўз тасдиғини топган. Бола туғилган кундан бошлаб, оила муҳитида яшайди. Оилага хос анъаналар, қадриятлар, урф-одатлар бола зуваласини шакллантиради. Энг муҳими, фарзандлар оилавий ҳаёт мактаби орқали жамият талабларини англайдилар ва ҳис этадилар. Бу борада юртбошимиз И.А.Каримовнинг қуйидаги сўзлари ўта ибратлидир: “Агар оила соғ ва мустаҳкам бўлса, маҳаллада тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришилади. Бинобарин, маҳалла-юрт мустаҳкам бўлсагина давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради”. Ўзбек оиласи мустабидлик даврида ҳам ўзининг тарихан шаклланган қиёфасини йўқотмади. Шукрки, чуқур тарихий заминга эга бўлган оилавий

урф-одат ва анъаналар ҳам кўҳна, ҳам замонавий қиёфаси билан ўзбек оиласини қадимий маданиятини бутун жаҳонга кўз-кўз қилиб турибди. Юртимиздаги ҳар бир инсон учун ватан тушунчаси, аввало, оиладан бошланади. Оила муқаддаслигини таъминловчи биринчи омил- она, аҳли аёлнинг покизалиги, оқилалиги, меҳру-муруввати, садоқати ва вафодорлигидир.

Оила жамият тарихида азалдан мавжуд бўлмаган. Ибтидоий жамоа тузумининг биринчи босқичида, кишилар тўда-тўда бўлиб яшаётган даврда жинслар орасидаги муносабатлар муайян тартиб қоидага эга бўлмай тўдадаги барча эркеклар ва аёллар бир-бирларига умумий эр-хотин ҳисобланган. Тарихий тараққиёт жараёнида жинсий муносабатлар аста-секин муайян тартибга солина бошланди. Дастлаб ота-она билан фарзандлар сўнгра ака-ука ва опа сингиллар орасидаги жинсий муносабатлар таъқиқланиб гуруҳли оила пайдо бўлган. Лекин, бу оилаларда ҳали эр-хотин никоҳи барқарор алоҳида ҳўжаликка эга бўлмаган. Бу даврда табиий ўз вазифасини тугаллади, яъни жинсий муносабатлар доирасидан қон-қариндошлар истисно қилинди, жинсий муносабатлар фақат бир эркек ва бир аёл муносабатига айланди. Ижтимоий ишлаб чиқариш-чорвачилик ва деҳқончиликнинг ривожланиши билан эркеклар меҳнатининг қадри ошди, маҳсулот ишлаб чиқаришда улуши ортди, бинобарин, уларнинг ижтимоий мавқеи ҳам тубдан ўзгарди. Мавжуд қоида, тартиблар-фарзандларнинг онагагина тегишли бўлиши, она мулкига меросхўр саналиши, эркекларнинг янги мавқеига зид келиб қолди. Натижада, ота ҳуқуқига асосланган патриархал оила вужудга келди. Шундай қилиб, ҳозирги индивидуал оиланинг ўтмишдоши-моногам оила вужудга келган.

Оила халқнинг, жамиятнинг ҳаёти, турмишига оид урф-одатларни ўзида синовдан ўтказди. Яхшиларини ўз бағрида асраб-авайлаб келажак авлодларга етказди. Оила ўз фарзандларини тарбиялаб, уларга умуминсоний қадриятларни сингдириш билан уларга бошланғич ижтимоий йўналиш беради. Ўз фарзандларини катта оқимга-жамиятга қўшиш билан эса оила жамият йўналиши, иқтисодиёти, маданияти ва маърифатини ҳам белгилашга ўз таъсирини кўрсатади. Шунинг учун ҳам шарқда оила қадим-қадимдан

муқаддас кўрғон ҳисобланиб келинган. Хусусан, ўзбек оилаларининг серилдизлик, сербутоқлик хусусиятлари ҳозир ҳам сақланиб турибди. Ўзбекларда оилаларнинг муайян турмуш тарзи шаклланиб ҳаётий тажриба ортириб бориши, тежамли ва саришта рўзгор тутиши, фарзандларни одобли, маънавий етук бўлиб камол топишида кексалар, ота-оналарнинг роли катта. Ўзбек оилалари ўзларининг мустаҳкамлиги, сарамжон-саришталиги, болажонлиги, қариндош -қондошлик ришталарини хурмат қилиши, меҳр-оқибатли ва бошқа қадриятлари билан ажралиб туради. Тангрининг буюк неъматини ҳисобланмиш-фарзандга ризқ-насиба бериш, уни тарбиялаш, юртнинг асл фарзанди этиб, вояга етказиш ота-она зиммасига катта масъулият юклайди.

Шарқона миллий қадриятларимизда, хусусан, Мухаммад ибн Мусо ал Хоразмий, Абу Насир Фаробий, Абу Райхон Беруний, Абу али Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Кайковус, Алишер Навоий, Хусайн Воиз Кошифий каби мутафаккирларнинг мумтоз асарларида болаларни оила муҳитида тарбиялаш масалалари илгари сурилиб, уларни ҳал этиш йўллари кўрсатилган. Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Ахмад Югнакийнинг “Ҳибат-ул Ҳақойиқ”, Кайковуснинг “Қобуснома”, Шайх Садийнинг “Бўстон ва Гулистон”, Жомийнинг “Баҳористон”, Алишер Навоийнинг “Ҳайрат-ул Аброр”, “Маҳбуб ул-қулуб” каби ана шундай дурдоналар сирасига киради. Шунингдек, Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Ахмад Яссавий, Аз-Замахшарий, Сулаймон Боқирғоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро ва бошқаларнинг илмий рисолаларида болаларни оилада тарбиялаш масалалари илгари сурилган бўлиб, улар маънавиятимиз хазинасидан муносиб ўрин эгаллаган. Қадимги Юнон файласуфлари Афлотун ва Арасту бола тарбиясининг жамият ўз ихтиёрига олиши, тарбия жараёнидаги барча зарур ишларни давлат бажариши лозим деган ғояни илгари сурган эдилар. Улар ўз фикрларини асослашда фарзанд тарбиясининг жамият манфаатлари билан боғлиқлигига асосланганлар. Шарқона қадриятларда эса бола тарбияси билан ота-она шуғулланиши кераклигига урғу берилган бу билан улар оилавий тарбиянинг аҳамиятини эътироф этганлар.

Фаробийнинг тарбияда жамиятнинг тутган ўрни қақидаги фикрларида бола тарбиясига фақатгина ота-она эмас, балки кўни-кўшни, ёр-биродар ва маҳалла-куй ҳам жавобгар эканлиги ҳақидаги содда ва аини чоғда буюк шарқона қарашлар асослаб берилган. Фаробий томонидан илгари сурилган фикрлардан шахс ижтимоий муносабатлар мажмуидан иборат, деган педагогик қониданинг куртаклари қадим даврлардаёқ мавжуд бўлганлигини, вазиятнинг ўзгариши бу тарбияга таъсир қилиши ҳақида қимматли мулоҳазаларни баён етишган.

Ал-Хоразмийнинг, замондан яхшироқ таълим берувчи муаллимни, инсондан яхшироқ таълим оладиган ўқувчини кўрмадим, деб айтган сўзларида унинг ижтимоий муҳитнинг бола тарбиясига ҳал қилувчи таъсир кўрсатиш ва инсон шахсининг таълим натижасида камолотга эришиши уқтирилган.

Абу Райҳон Беруний фарзанд тарбиясида тан ва руҳ поклиги масаласига алоҳида эътибор берган. Унинг фикрича, оилада тозалик, покизалик ва тартиб мавжуд экан, у ерда маънавий поклик ҳам бўлади. У ота-оналарга фарзандини мўътадилликда сақлашни тавсия этади. Бунга асосан, болани қаттиқ ғазабланиш, кўрқитиш, хафалик ва уйқусизликдан сақлаш орқали эрилишини айтиб, улар истаган фойдали нарсани топиб бериш, севмаган нарсасидан узоқлаштириш лозимлигини таъкидлайди. Ота-онанинг болага турли муносабати турлича халқларни келтириб чиқаради.

Оилада бола тарбияси масаласи, Абу Али ибн Синонинг илмий меросида ҳам муҳим ўрин эгаллайди. У ўзининг қатор асарларида боланинг саломатлиги, тарбияси, руҳияти ҳақида қимматбаҳо фикрларини ёзган. Жумладан, “Тадбири ал-манозил” номли асарининг каттагина қисми оила ва оилавий тарбия масалаларига бағишланган. Бунда у бола тарбияси анча мураккаб ва нозик бўлиб, тарбияни боланинг мурғаклигидан бошлаш ва изчиллик билан олиб бориш лозимлигини уқтиради. Алломанинг “Тиб қонунлари” номли асарида болага туғилмасдан олдин ғамхўрлик қилиш учун онанинг саломатлиги, жисмоний

ва руҳий поклигига эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланган. Ибн Синонинг “Тадбири ал- манозил” асарида эр-хотиннинг яхши сифатлари санаб ўтилади. Уларнинг бола учун ўрнатилган бўлиб, унинг келажак тақдирини ўйлашлари муҳим аҳамиятга эга эканлиги алоҳида эътироф этилади. Шунингдек, у меҳнатсеварликнинг бола тарбиясидаги аҳамиятини таъкидлаб, ота-оналарни ўз фарзандларига касб-ҳунар ўргатишга чақиради, меҳнатсиз ҳаёт кечиришнинг болага салбий таъсирини кўрсатиб беради.

Оила, бола тарбияси масаласи, буюк шоир, ҳазрат Алишер Навоийнинг адабий-меъросида ҳам муносиб ўринни эгаллайди. У ота-онанинг яхши сифатларини улуғлайди. Бундай сифатларни уларда жамулжам бўлиши бола тарбиясида муҳим рол ўйнашини кўрсатиб ўтади. Хусусан, Алишер Навоий оиладаги айрим ўзаро келишмовчиликлар бола тарбиясига салбий таъсир қилишини, оиланинг бузилишига олиб келишини таъкидлайди.

Мамлакатимиз давлат мустақиллиги туфайли халқимизнинг азалий миллий урф-одат ва маросимлари қайтадан тиклана бошланди, бу удумлар оилани мустаҳкамлашда муҳим ўрин эгаллайди. Ўзбекистон ҳукумати оила масалаларига давлат сиёсати даражасида бажарилиши лозим бўлган устувор вазифа сифатида қарайди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасига кўра, оила жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланади, у жамият ҳамда давлат томонидан муҳофазада бўлиш ҳуқуқига эга. Оналик болаликни муҳофаза қилиш бўйича бошқа қонуний ҳужжатлар ҳам қабул қилиниб, амалий тадбирлар белгиланган. Жумладан, ”Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида” 1994 йил 22-августда фармон чиқарилиб, муҳтож оилаларга моддий ва маънавий ёрдам беришни қўллаш кенгайтирилди.

Оилавий ҳаёт масалалари ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида ҳам муҳим ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Оила кодексида оилавий ҳуқуқий муносабатлар янгича ҳал этилган. Чунончи, миллий негизларга асосланганлиги яъни куда-андачилик, қариндош-уруғчилик, бобо-

бувилар ва набиралар ўртасидаги муносабатларнинг янгича талқини, умуминсоний қадриятлар акс этганлиги никоҳ шартномаси институтининг киритилиши, никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўрикдан ўтказилишини, ёш oilалар учун дастлабки 5 йил мобайнида диспансер назоратини ташкил этиш ишлари йўлга қўйилди. Республика гинекалогия-акушерлик илмий тадқиқот институтининг Жиззах, Нукус, Қарши ва Наманган шаҳар бўлимлари ташкил этилди. Айни вақтда Тошкент, Андижон, Нукус, Самарқанд, Фарғона, Бухоро, Термиз каби қатор шаҳарларда, энг замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланган “Она ва бола скрининги” тиббий марказлари ишлай бошлагани диққатга сазовордир. Ногиронлик ва ногирон фарзандлар туғилишини олдини олиш мақсадида, Республикамизнинг барча ҳудудларида ҳомиладор аёллар ва чақалоқларни скрининг кўрикдан ўтказиш йўлга қўйилди. Тошкент шаҳрида “СОС-Ўзбекистон болалар маҳалласи”нинг бунёд этилганлиги ҳам бу борадаги ютуқлардан биридир. Болалар маҳалласининг бош мақсади-етим болаларни oilа ҳарорати муҳитида тарбиялашдир.

Ватанимизда миллий қадриятларимизни эъзозлаш, oilани мустаҳкамланишига эътибор қаратиш, oilадаги фарзандлар тарбиясига, таълим олишига жиддий ёндошиш масалалрига катта аҳамият берила бошланди. Oilани қуришда фарзанд кўриш, фарзандни баркамол инсон қилиб тарбиялаш, келажакни меваси сифатида тарбиялаш бош мақсад қилиб қўйилади. Кейинги йилларда юртимизда ҳар қайси йилга аниқ бир ном бериб, шу асосда махсус давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш яхши анъанага айланиб қолди. Президентимиз И.А.Каримов 2012 йилни, юртимизда “Мустаҳкам oilа йили”деб ном беришни таклиф этди. Йилга бундай ном берилиши, халқимиз учун муқаддас бўлмиш, oilани ҳаётимиз таянчи ва суянчи, жамиятимизнинг ҳал қилувчи асосий бўғини, деб қабул қилишимиздир. 2012 йил 29-февралда “Мустаҳкам oilа йили”давлат дастури эълон қилинди. Дарҳақиқат, юртбошимиз таъкидлагандек, oilа соғлом экан-жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан-мамлакат барқарор.

Ўтган қисқа вақт мобайнида оила муқаддаслигини таъминлаш борасида эришилган ютуқлар негизида мамлакатимиз буюк келажагини пойдеворини мустаҳкамлаш ва унинг тараққиётига ишонч ётибди. XX1 аср ўзбек оиласи ўзининг баркамоллиги, ахлоқий-маънавий асоси умуминсоний ва миллий қадриятларга таяниши билан бутун дунёга намуна мактаби бўлиши учун мустаҳкам пойдеворга эга. Пойдевори мустаҳкам бино эса асрлар оша ҳаёт тўфонларига бардош бериб, салобат билан қад ростлаб тураверади. Ўзбек оиласи давлат ва жамият диққат-эътиборида экан, унга ҳеч қандай ёвуз куч, ғоя, қийинчилик таъсир этмайди, аксинча, у барқарорлашади, мустаҳкам ва фаровон бўлиб бораверади.

Бугунги давр ота-оналарининг ўзига хос ижобий фазилатлари ҳам салбий жиҳатлари мавжудки, бу албатта оиладаги фарзанд тарбиясига ўз таъсирини кўрсатмай қўймайди. “Ота-она – қирғоқ, бола кўприк” деган ҳикмат бор халқимизда. Фарзандни баркамол шахс қилиб тарбиялашда ота-онанинг ўрни беқиёсдир. Ўзбек оиласи кўп бўлгани боис бола онгида соғлом ва билимларнинг шаклланиши жараёнида боболар, момолар, қариндош уруғлар ҳам бевосита иштирок этади. Азалий удумга биноан, фарзанд тарбиясида ота-онадан ҳам кўра бобо, момо, кўни-қўшни ва қариндошларнинг таъсири кучлироқ бўлади. Улар оиладаги маънавий муҳитнинг муҳим омили ҳисобланади. Бундай маънавий тарбия анъанаси буюк аجدодларимиз тарихида ўзига хос ўрин тутган. Оилада фарзанд тарбиясига тўхталиб, Абдурауф Фитрат шундай деган эди: “Ҳар бир оиланинг саодати ва иззати, албатта шу халқни ички интизоми ва тотувлигига боғлиқ. Тинчлик ва тотувлик эса шу миллат оилаларининг интизомига таянади, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли, тартибли бўлади. Агарда бир мамлакатнинг аҳолиси ахлоқсиз ва жоҳиллик билан оилавий муносабатларни заифлаштириб юборса ва интизомсизликка йўл қўйса, шунда бу миллатнинг саодати ва ҳаёти шубҳа остида қолади¹”.

Шунинг учун оилада фарзандларни тарбиялашда аёлларнинг ўрни катта эканлиги ва ҳамма вақт долзарблиги уқтирилади. Онанинг барча

¹ Фитрат А. “Оила ёки оила бошқариш тартиблари”. Т.: “Маънавият” 1998

ҳислатлари одабийлик фазилатлари фарзандларга ўтади ва уларнинг маънавиятини замон руҳи билан қуроллантиради. Фарзанд тарбиялашда кўп асрлик миллий-педагогик анъаналардан, умуминсоний қадриятлардан кенг, оқилона фойдаланиш масалаларига ҳам мамлакатимизда катта эътибор берилмоқда.

Оила қуриш ҳар бир инсоннинг табиий эҳтиёж, ижтимоий масъулияти экан, бунинг учун керак бўлган маънавий, жисмоний, тиббий муаммоларни билиш, ҳаётга мустақил қадам қўйиш арафасида турган қизлар ва йигитлар учун фан, техника асосларини эгаллаш билан баробар муҳимдир. Инсон оила қуриши, фарзанд қўриши зарур экан уни тарбиялаш эса янада муҳимроқдир. Ота-боболаримиз асрлар давомида оила қуришга масъулият билан ёндошганлар, ёшлар маънавиятли бўлиб тарбияланишига катта эътибор берганлар. Келиннинг ёки куёвнинг етти пушти соғ-саломатлигини, уларнинг ахлоқ одобини, ота-онаси, қариндош уруғларини суриштириш ҳам ажойиб анъана бўлган. Бу ишларда ёшларнинг маънавий муштараклиги, авлодлар саломатлиги, янги оила мустаҳкам бўлиши сингари омилларга кўпроқ эътибор берилган. Шундай экан, бурч ва масъулият эканини англаб етмоқликлари ҳамда мустаҳкам оилани шакллантириш борасидаги миллий анъаналаримиз, қадриятларимиз ҳақида ёшлигиданоқ тўла ва тўғри тасаввурга эга бўлишлари керак. Турли халқлардаги оилавий муносабатларнинг ахлоқий, ҳуқуқий, маънавий мезонларини айнан бир хил меъёрга ўлчаб бўлмайди. Айрим даврларда оилаларнинг барқарорлиги заиф бўлса, баъзан эса мустаҳкам бўлган. Ҳозирги даврда баъзи мамлакатларда одамлар оила қуришни оддий ҳолатдек тасаввур этмоқдалар. Ёшлар ҳаётга енгил-елпи қараб, баъзан ота-она билан маслаҳатлашмай оила қуриб, бир оз вақтдан кейин ажратиб кетмоқдалар. Бунинг сабаби оилавий муносабатларга асос бўлган маънавий омилларнинг заифлигидир. Натижада, жамиятда бир қанча оилаларнинг бузилиб кетиши, тирик етимларнинг қўпайиши ҳамда гўдаклар ота-онанинг меҳридан жудо бўлишига олиб келмоқда. Бу нимага олиб келади? Албатта, ота-онасиз қолиб, меҳрибонлик уйларида

тарбияланаётган етимлар сони кўпайиши ва шу давр ҳамда келажак авлодлар учун маънавий инқирозни кучайишига олиб келади.

Республикамизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар жамият ҳаётининг барча соҳаларида маънавий омиллар устиворлигини таъминлашга даъват этилгандир. Баркамол авлодни тарбиясида маънавий тарбиянинг ўрни нақадар устивор эканлиги бугунги кунимизда яққол намоён бўлмоқда. Ана шу ишнинг моҳият-мазмунини ташкил этган бу жараёнда ижтимоий муносабатларнинг демократик қадриятлар асосида камол топишига, эркин фуқаролик жамияти асосларининг мустаҳкамланишига устувор маънавий омил сифатида эътибор берилмоқда. Бир томондан жамият тараққиётига хос ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маънавий, бошқа томондан оила, оилавий муносабатларни миллий ва умуминсоний ахлоқий маънавият ва қадриятлар негизида ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Зеро, Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, оила жамиятнинг негизи ҳисобланади. Баркамол авлод ана шу оилавий муҳитда камол топади тарбияланади. Жамиятди мавжуд социал, иқтисодий, мафкуравий ва маънавий муносабатлар унинг шаклланишига бевосита таъсир кўрсатади. Бу муносабатлар жонли, ўзгарувчан, ривожланувчан бўлиб, унинг моҳият-мазмунини кўп жиҳатдан маънавий омилларга боғлиқ бўлади.

Бунда оиланинг маданий даражаси, оила муҳитини қарор топтирадиган маънавий қадриятлар ва эҳтиёжларнинг роли ниҳоятда каттадир. Жамиятда янгиланиш эҳтиёжлар билан узвий боғлиқ ҳолда юз берар экан, у жамиятда, қадриятлар тизимида, маънавий соҳада маълум бир ўзгаришларга олиб боради. Маънавий соҳадаги ўзгаришлар ҳам жамият, халқ, давлат, шахс эҳтиёжлари ва манфаатларидан келиб чиқади. Жамиятдаги маънавий янгиланиш – бу илгари унитиб юборилган маънавий қадриятлар ва маросимларнинг замон талаби ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда қайта ишлаш, бойитиш, жамият тараққиёти учун зарур янги маънавий бойликлар, билимларнинг асосини яратиш, шакллантириш билан боғлиқ ҳодисаларни ўз ичига олади. Жамиятдаги маънавий янгиланиш бевосита оила жараёнида ҳам

Ўз ифодасини топади. Буларнинг барчаси ҳозирги ёш авлодни баркамоллик руҳида, маънавий тарбиянинг асосий омиллари сифатида қарашни тақазо этади. Халқимизнинг маънавиятини тиклаш ва ривожлантиришда маънавий бойликларни ўрганишга, уларни ҳозирги замон талаблари асосида ёндошилмоқда.

Халқ маънавий бойлиги янги давр, замон билан боғланган ҳолда, маънавиятнинг янги қирраларини ҳаётимизга киритиб келмоқда. Ватанни тараққий этиши учун меҳнатини аямасликда, миллатга тегишли маънавий бойликларни тиклаш, бойитиш, кўз қорачиғидек асраш каби муҳим томонларда акс этиб келмоқда. Буларнинг барчаси ёш авлоднинг маънавий баркамоллик руҳида тарбияланишига муҳим омил бўлади ва келажак авлодга масъулият юклайди. Бу маънавий эҳтиёжларни шакллантириш ва қондиришда инсон оила ва жамият олдига жуда катта талаблар қўйилади. Булар, энг аввало, инсоннинг ўзлигини англаши, оила, жамият манфаатлари билан ўз манфаатларини уйғунлигини кўра олиши ва бирлиги, замон, давр олдига турган масалаларни чуқур сеза олиш ва таҳлил қила олиш, жамият манфаатларини қондиришда, маънавий қадриятларни чуқур билиш муҳим мезондир. Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, маънавий тарбия барча даврларда муҳим аҳамият касб этган, баркамоллик омили бўлиб хизмат қилган. Айнан бугунги кунимизда ҳам, ёш авлодни баркамоллик руҳида тарбияшдек улуғвор ишимизда ҳам унинг ўрни бекиёсдир. Зеро, мустақил ватанимизнинг куч-қудрати, келажаги ёшларимиз қўлидадир. Уларнинг маънавий баркамол бўлиб етишишлари ана шу улуғвор вазифаларни бажаришда ўз ифодасини топади.

I.2. Оилада бола тарбияси давлат сиёсатидаги устувор вазифалардан бири эканлиги

Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маданий жабҳаларда амалга оширилаётган туб ислохотлар жараёнида оила масаласига эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Албатта, бу бежиз эмас, чунки порлоқ эртаимизнинг тамал тошлари оилада қўйилади. Юртбошимиз Ислом

Каримов айтганларидек: «Халқимиз қадим-қадимдан оилани муқаддас деб билган. Ахир оила аҳил ва тотув бўлса жамиятда тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришилади, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради. Оила фаровонлиги-миллий фаровонлик асосидир». Демак, мамлакатимизда оила фаровонлигини таъминлаш давлатимизнинг асл мақсадидир.

Мамлакатимизда 1998-йилнинг «Оила йили» деб эълон қилиниши ва шу муносабат билан «Оила манфаатларини таъминлаш борасида 1998-йилда амалга ошириладиган чора-тадбирлар Давлат Дастури»нинг қабул қилиниши ва амалиётга татбиқ этилиши, Олий Мажлиснинг XI сессиясида кенг умумхалқ муҳокамасидан сўнг «Оила Кодекси»нинг бир овоздан қабул қилиниши, Вазирлар Маҳкамасининг 1998-йил 2-февралдаги 54-сонли қарорига биноан Республика «Оила» илмий-амалий Марказининг ташкил этилганлиги ҳукуматимиз томонидан оила фаровонлиги, тинч-тотувлиги ва барқарорлигини таъминлашга бўлган эътиборидан далолатдир.

Мамлакатимизда оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири экан, у қуйидаги асосий йўналишларни ўз ичига қамраб олади:

- оилавий муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, оила манфаатлари ҳуқуқий ҳимоя қилинишини таъминлаш, оналик ва болалик ҳуқуқларини муҳофаза қилиш;

- оиланинг ижтимоий манфаатларини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш, оила аъзоларининг соғлиғини муҳофаза қилиш ва таълим даражасини ошириш учун шарт-шароитларни яхшилаш;

- оиланинг иқтисодий манфаатларини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш, оиланинг даромадларини, оила аъзоларининг иш билан таъминлаш даражасини ошириш, рўзғор юмуши ва турмуш шароитларини яхшилаш, кам таъминланган оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;

- оиланинг маънавий-ахлоқий асосларини ва маданий манфаатларини такомиллаштириш учун шарт-шароитлар яратиш;

- оиланинг соғлом, ақл-заковатли ёш авлодни тарбиялашдаги ролини ошириш ҳар томонлама камол топган авлодни тарбиялашда оила ва жамиятнинг вазифаларини такомиллаштириш;

- оила муаммоларини илмий ва ижтимоий тадқиқ, этиш, оила, хотин-қизлар ва болаларнинг иқтисодий ва ижтимоий аҳволини кўрсатувчи статистика ҳисоботини тўплаш ва такомиллаштириш.

Дарҳақиқат, Ватанимиз мустақиллигининг қисқа даври ичида оила, оналик ва болаликни ҳуқуқий манфаатларини қонуний муҳофаза қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, оиланинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини таъминлаш, уй меҳнати ва маданий-маиший турмуш шароитини яхшилаш, оиланинг маънавий-ахлоқий асосларини такомиллаштириш, кўп болали, кам таъминланган, ночор оилаларни, ногиронларни, қаровчисиз кексалар, ёлғизларни, етим-есирларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, оилада маънавий ва жисмоний баркамол шахсни шакллантириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилади.

Оила аъзоларининг ҳуқуқий саводхонлиги ва маънавий маданиятини шакллантириш, ҳар томонлама соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, оиланинг ижтимоий ва иқтисодий барқарорлиги, фаровонлигига эришиш, оилада тадбиркорликни кенг йўлга қўйиш, ногиронликнинг турли кўринишларини олдини олиш чора-тадбирларини белгилаш, оилада комил инсонни тарбиялаш, ёшларни умуминсоний ва миллий қадриятлар муштараклигида мустақил ҳаётга тайёрлаш тизимини яратиш ва амалга ошириш замирида оила масалалари билан шуғулланувчи мутасадди давлат ва жамоат ташкилотлари, оила, маҳалла, мактаб ва жамоатчилик ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, оилада соғлом психологик муҳит яратиш замирида оилада баъзан учрайдиган жиноятчилик, никоҳнинг бекор қилиниши, гиёҳвандлик, носоғлом эътиқод, маиший нопоклик, ахлоқсизликнинг турли кўринишларга йўл қўймаслик каби масалалар бугунги кунда оилаларни жамият талаблари даражасида шаклланиши учун заминдир.

Мамлакатимизда адолатли, ҳуқуқий, демократик жамият қуриш жараёни шахдам қадамлар билан бораётган бир шароитда қонун устуворлигини таъминлаш замирида оила аъзоларининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш оила манфаатларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган устувор йўналишларидан бирига айланиб қолди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинаётган Қонунлар, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари, оила-никоҳ муносабатлари, хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари бўйича халқаро конвенсиялар ва декларациялар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларнинг моҳиятини чуқур англаш ҳамда ўз фаолиятлари жараёнида амал қилишга эришиш жамиятнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишнинг гаровидир. Бунинг учун оиланинг турли қатламли аъзолари ҳуқуқий онги ва дунёқараши даражасини ўстириш механизмини яратиш ва амалиётга кенг татбиқ этиш зарур. Чунки, ҳуқуқий маданият даражаси юксак жамиятда оила, она, ота ва бола ҳуқуқ ва бурчлари ҳамма вақт Конституция билан ҳимоя қилиниб, оила ажримларига, оилада учрайдиган шарқона ахлоқ нормаларига зид содир этиладиган баъзи хатти-ҳаракатларга йўл қўйилмайди.

Бу борада давлатимиз томонидан амалга оширилаётган ишлар бутун дунё тинчликсевар халқларнинг диққат-эътиборини жалб қилмоқда. Жумладан, мустақиллигимизнинг қисқа даври ичида республикаимизда инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий Марказ, Олий Мажлис ҳузуридаги амалдаги қонун ҳужжатлари Мониторинги институти, Адлия вазирлиги қошидаги ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш Маркази, Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили-Омбудсманнинг ташкил этилганлиги оила, ота, она ва бола ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган муҳим қадамлардир. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш институтларининг асосий мақсади оила деб аталмиш кичик жамиятнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга, уларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишдан иборатдир.

Мамлакатимизда оила ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мос равишда муҳофаза этилмоқда. Мустақиллик йилларида ҳукуматимиз томонидан оила-

никоҳ муносабатлари, хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатлар ва декларацияларининг ратификатсия қилиниши бунинг яққол намунасидир. Жумладан, Инсон ҳуқуқлари умумий декларацияси (БМТ Бош Ассамблеясининг 1948-йил 10-декабрдаги 217 АШ резолюцияси), Хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенсия (БМТ Бош Ассамблеясининг 1952- йил 20-декабрдаги 640-сон резолюцияси), бир хил қийматдаги иш учун эркаклар ва хотин-қизларга тенг ҳақ тўлаш тўғрисидаги (100) Конвенсия (ХМТ Бош Конференциясининг 34-сессиясида 1951-йил 29-июнда қабул қилинган), оналикни ҳимоя этишга қаратилган (103} конвенсия (Женева, ХМТ томонидан 1952-йил 28-июнда қайта кўриб чиқилган), болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенсия (БМТ 43 Бош Ассамблеяси томонидан 1989-йил 20-ноябрда), фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (БМТ Бош Ассамблеясининг 1966-йил 16-январдаги 2200- резолюцияси), хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги Конвенсия (БМТ Бош Ассамблеясининг 1979-йил 18-декабрдаги 34, 180-сон резолюцияси), болаларнинг яшашини, ҳимояланишини ва ривожланишини таъминлаш тўғрисидаги умумжаҳон Декларацияси, бошқа мамлакатларга болаларни ўғирлаб кетишнинг фуқаролик жиҳатлари тўғрисидаги Гаага Конвенсияси (Гаага 1980-йил 25-октабр), 1995-йилда Пекинда 4-Бутунжаҳон хотин-қизлар конференциясида қабул қилинган хотин-қизларнинг аҳволи бўйича асосий ҳаракатлар дастури мамлакатимизда оила, оналик ва болаликни халқаро ҳуқуқ нормаларига мос ҳолда муҳофаза қилиш борасидаги дастлабки муҳим қадамлардир, мақсад ҳар бир фуқаронинг, ҳар бир оила аъзосининг ҳуқуқларини ҳимоя этилишини халқаро ҳуқуқ нормалари доирасида йўлга қўйишга эришишдир.

Оила аъзоларининг ҳуқуқий саводхонлиги унинг ҳуқуқий ҳимоя қилиниши ҳуқуқий жамият барпо этишнинг негизидир. Бунинг замирида:

- аҳоли, шу жумладан, оила аъзоларининг ёш табақаларга мос ҳуқуқий билан бериш дастурларини яратиш, ҳуқуқий онг ва тафаккурини

шакллантиришнинг самарали шакл ва методларини аниқлаш, бу борада ноанъанавий таълим-тарбия усулларида кенг фойдаланиш;

- ўқув юртлари, идора ва ташкилотларда ҳуқуқий мавзунини ёритувчи бурчаклар, хоналар ташкил этиш, ҳуқуқий билим кунлари ўтказиш, радио ўқишлари уюштириш;

- ҳуқуқий мавзуга бағишланган оммабоп рисолалар, газета ва журнал мақолалари, мутахассис маслаҳатларини чоп этишни кучайтириш, рукнлар ранг-баранглигига эришиш;

- оила ҳуқуқини бўйича мутахассис кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш;

- жойларда бахт ва никоҳ уйлари қошида бўлажак келин- куёвлар учун махсус ўқув курслари, «Оила» клублари, «ҳуқуқий маслаҳат» телефонлари ташкил этиш ва тарғибот-ташвиқот гуруҳларини тайёрлаш;

- оилаларда ҳуқуқий билим беришни такомиллаштиришга ёрдам берувчи социологик тадқиқот ишлари олиб бориш ва унинг натижалари асосида методик тавсиялар ишлаб чиқиш ва амалиётга кенг татбиқ этиш, бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотлари билан бошқа мутасадди давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш каби масалаларига алоҳида эътибор бериш ётади.

Жамиятда юз берадиган барча ўзгаришлар оилага, оиладаги маънавий муҳит, унинг ижтимоий-иқтисодий, маданий даражаси эса жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий тараққиётига таъсир қилади. Ҳар бир даврнинг ўз дарди, талаби ва эҳтиёжлари бўлади. Мустақиллик одамлар ва жамият тақдирига тааллуқли жуда кўп жумбоқларни ечиб ташлаш билан баробар маънавиятимизнинг қатор муаммоларини кўндаланг қилиб қўйди. Айниқса, ахлоқ-одоб масалалари катта аҳамият касб этиб қолди. Бунинг сабаблари кўп: бир томондан, инсон деб аталмиш ҳаёт гултожисига бўлган муносабат ўзгарди, уни азалий ва абадий пок маънавият йўлига қайтариш режалари тузила бошланди; катта ёки кичик, яхши ёки ёмон, илғор ёки жоҳил миллат бўлмаслиги, ёмонликнинг миллати-ю, яхшилиқнинг чегараси йўқлигига қаноат ҳосил қилдик.

Инсон ўз миллати анъаналари ва умумбашарий қадриятлар асосидагина камолотга эришиши қоғозда эмас, амалда тан олинди; иккинчидан, сохта байналмилалчилик, қоғоздаги халқлар дўстлиги ғоялари одамлар орасида узок, замонлардан буён шаклланиб, ривожланиб келаётган биродарлик туйғуларига раҳна солиб қўйгани, одамларнинг миллат ажратмаслиги учун, бир-бирига меҳрли- оқибатли бўлиши учун уруш ёки қаҳатчилик, зилзила ёки табиий офатларни бошидан кечиришлари шарт эмаслиги, ижтимоий адолат ўрнатилган жойда халқлар ва миллатларнинг чин инсоний фазилатлари гуркираб унишига ишонч ҳосил қила бошладик. Айрим одамларни алдаш мумкин бўлса ҳам миллатларни узок алдаб бўлмаслигига энди ҳамма тушуниб етди.

Тоталитар тузум даврида республикамизда шарқона қадриятлар асосида оилани барпо этиш, шакллантириш ва барқарорлигини таъминлашга етарли эътибор берилмади. Оилани жамиятнинг асосий ячейкаси сифатида ҳар томонлама муҳофаза этиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилмади.

Халқимизнинг ахлоқ, андиша, шарм-ҳаё, ҳалоллик ва покизалик, инсон қадр-қиммати тўғрисидаги тасаввурларига зид бўлган ўзга маданият анъаналари ёшлар онги, дунёқараши ва шуурига салбий таъсир этиши натижасида баъзи салбий ҳолатларнинг пайдо бўлиши юз берди.

Миллий анъаналар маънавий соғлом оилани барпо этади. Соғлом миллийлик барқ урган жойда умумбашарий фазилатларнинг қадрига етиш ҳам ортади, миллатлар ўртасидаги дўстона муносабатлар ҳам камол топади. Ўзимизга ҳам, бошқаларга ҳам гўзаллик ва одоб тимсоли бўладиган келин тушириш одатимизни олайлик. Карнай-сурнай садолари янграган кўчада тўй, шодлик, маҳалла аҳли тўпланади. Агар тўй кечасини олиб борадиган шилқим насиҳатгўйларнинг ҳар бир- тўйда такрорлайвериш сийқаси чиқган сўзларини эътибога олмасак, қулоқлари кар қиладиган! даражадаги баланд пардаларда айиҳаннос кўтарадиган ансамблларнинг «Бари гал, «Эй санам», «Қора кўз бўй-бўй». «Чакра-чакидан гирад», «Гулойим» сингари хонишларини мустасно қилганда тўйларимиз чинакам жамоатчилик рамзидир.

Турмушимизда шунақа воқеалар ҳам учраб туради: тўй қилувчининг авҳоли ночор, ҳали уй-жой битмаган, рўзғорда камчиликлар кўп, болалар оёққа турмаган. Лекин у маҳаллани ва ёр-биродарларини наҳорги ошга таклиф қилади. Шунда баъзи бировлар «аҳволнинг шуку, топганингни болачақангга сарф қилсанг бўлмайдими?» деган фикрга борадилар. Тўғри шундай қилиш мумкин эди. Лекин мен бу оиланинг камтарона ошини халқимизга хос камтарлик ва ўз болаларини жамоа орасига олиб кириб, уларда кўпчилик билан баҳамжиҳат ҳаёт кечиришга ўргатиш деб биламан. Наҳорги ошга кетадиган сарф билан рўзғорни батамом тиклаб бўлмайди. Лекин бирор киши ёки оиланинг обрўси, инсонийлиги, миллий туйғуси тикланади. Бу ҳам яхши фазиатларни рўёбга чиқариш ва тарбиялашнинг ўзбекона йўлидир. Мен ўз бойлигини ва мавқеини кўз-кўз қилиш ниятида қилинадиган ҳашаматли тўйларни кўзда тутаётганим йўқ. Бунақа исрофгарчиликка ва манманчиликка асосланган тўйлар обрў эмас, нафрат келтиради. Ўзбек тўй маросимлари ҳақида гапирсак, куда-андаларнинг нозик муомалалари, келин ва куёвга кўрсатиладиган мулозаматлар, илиқ, борди-келдиларни кўриб, ниҳоятда таъсирланиб кетасан, киши. Кўчани тўлдириб карнай-сурнай садолари остида келаётган куёв ва унинг жўраларини томоша қилиш учун ёш-яланг ташқарига отилади, деразаларнинг пардалари орқасидан келинчаклар нигоҳ, ташлайди. Келин дарвозаси олдида икки томонга саф тортган қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар қўли кўксида, ота кўзларида ёш қалқиган. Ҳатто «куёвнинг бўйи паст экан», «куёв сариқ-ми?», «куёв баланд бўйли экан-а» сингари сўзларнинг маҳалла оралаб тарқалишида ҳам ажиб бир ҳосият бор. Маҳалла биргалашиб куёвга баҳо бераётгандек, уни ўз фарзанди қилиб қабул қилаётгандек бўлади. Маҳалла шу дақиқадан бошлаб битта қариндошга кўпайгандай туюлади. У шу маҳалланинг, шу кўчанинг, қўйингки, ҳамманинг куёви. Кейинроқ бирор жойда уни учратиб қолганда ҳам «куёв» деб самимий мурожаат қиламиз. Ана шундай гўзал анъаналаримиз баъзан бачканалаштирадиган қилиқлар ҳам пайдо бўлиб қолмоқда. Куёв жўраларининг ўйнаб-кулиб қайнота дарвозасига келиши яхши. Лекин бироз «қизишиб» олган ёшларни ҳаддан ортиқ, қичқирришларичи? Куёв жўралар

каторида автобусни тўлдириб келадиган «зумрашларчи?»- Айниқса, дарвозадан киришдаги ур-тўполончи? Бу хунуклик ва адабсизликнинг аломати эмасми? Ёки никоҳга жўнаш пайтида келин уйи олдидан жилган енгил машиналарнинг сигналларини қўшни маҳаллага етгудек мунтазам чалиниши ҳам маданий безориликнинг бир аломати эмасми? Ажойиб миллий анъаналаримизни бундай бемаъни замонавийлаштиришнинг олдини олса бўлди. Бунинг учун маҳалла аҳли маслаҳат чоғи келишиб олишлари мумкин. Ахир ўзбек хонадонларида кечадиган ҳар бир маърака тарбиявий йўналиши билан ажралиб туради-ку?

Ўзбек хонадонларида асрлар мобайнида ҳукм суриб келаётган эрталабки келин салом, келинларнинг барвақт туриб ҳовли ва дарвоза олдиларини супуриб-сидириб қўйишлари ва кекса қайнона-қайноталаиға нонушта тайёрлаб, тавозе билан чой узатишлари миллий маънавий қадриятларимизга ёрқин мисол эмасми? Яқинда бир оилавий жанжалга гувоҳ, бўлдим. Куёвнинг ўта инжиқ ва тирноқ ичидан кир қидириш одатларини бир ёққа қўйиб, ёшгина умр йўлдоши олдиға қўяётган талабларға кулоқ тутилса, унинг гапларида ҳам жон борлиги сезилди. Унинг хотиниға эътирозлари қуйидагича эди: «Эрталаб ишға кетаётганимда «яхши боринг», кечкурун хизматдан қайтсам, «яхши келдингизми?» демайди. Бирор қариндош- уруғларим келса «хуш келибсизлар», кетаётганда «яхши боринглар» демайди. Пиёлага чой қуйиб узатмайди, ҳар кимнинг олдидаги пиёлага шариллатиб чой қуяди. Шимларимға вақтида дазмол урилмайди, оқ қўйлагимнинг йиртилган жойини сариқ ип билан чатиб қўйибди» ва ҳоказо. Ана шу сабаблар баҳона йигит ёш болали хотинни уйдан ҳайдаб юбориш арафасида экан. Икки томонға насиҳатлар қилинди. Йигитнинг инжиқлиги ноўрин гумонсираши, «эркакча» муомаласи, уй-рўзғор ишларига аралашмаслиги айтиб ўтилди. Рус мактабини битирган келин табиатидаги айрим сифатлар ҳам кўрсатилди. Бирор жиддий сабабсиз бузилиш олдида турган оила маҳалла оқсоқоллари аралашуви билан сақлаб қолинди. Катталарнинг ақлли маслаҳати ёшларға малҳамдек зарур. Агар ана «худоё ҳовлиси курсин, сени уларға чўриликка бермаганман, саҳарда турма, сен

ботгунча ким супурган бўлса ўшалар супураверсин, ўргатиб қўйма, овқат қилишниям бўйнингга олма, қайнонанг ўлгур жодугар, онамникига бораман десанг тоғорада бир нима пишириб ҳам бермабди, курумсоқ» сингари гапларни қизининг қулоғига қўйса, келин тушган хонадонига меҳр қўярмиди?! Майда гаплар тўпланиб, бутун оила парчаланиб кетади.

Ҳар бир халқнинг урф-одати, қадриятлари мавжудки, ана шу халқнинг маънавий омили бўлиб хизмат қилади. Жумладан, ўзининг бой тарихига эга бўлган халқимизнинг ҳам ўзига хос урф-одати, қадриятлари миллий менталитети доирасида шаклланган бўлиб, асрлар давомида маънавий қадрият сифатида авлоддан-авлодга ўтиб келади. Буни биз оилада мавжуд бўлган тарбиявий кўринишларда кузатишимиз мумкин. Бугунги кунимизда ҳам ўзининг янгича кўринишларида намоён бўлмоқда. Юртбошимиз Республика Олий кенгашининг навбатдан ташқари тўққизинчи сессиясидаги ўзининг маърузасида шундай деган эди: келажак бугундан бошланади. Ҳозир тарбия масаласига эътибор берилмаса, келажак бой берилади. Тарбиядан ҳеч нарсани аямаймиз. Маънавий ва ахлоқий покланиш иймон, инсоф, диёнат, ор-номус, меҳр-оқибат ва шу каби чинакам инсоний фазилатлар ўз-ўзидан келмайди. Ҳаммасининг замирида тарбия ётади.

Бугунги ёшларни бузғунчи ғоялардан ҳимоялаш ана шу тарбиянинг марказий муаммосига айланади. Бу борада ота-боболаримиздан бизга тарбиявий мерос бўлиб келган урф-одатларимиз, қадриятларимизни ўрнини алоҳида таъкидлаш зарурдир.

Оилада фарзанд тарбиясига маънавий жиҳатдан ёндошишга барча динлардаги каби ислом динида ҳам катта аҳамият берилади. Ислом динида ота-оналарнинг бурчи, фарзанд тарбиялашдаги масъулият мезонлари белгилаб берилган. Бунинг учун ота-она фарзандига туғилганда чиройли исм қўйиши, ўғил болаларни хатни қилиши, ўзини таниганидан сўнг ахлоқ одобни ўргатиши, Аллоҳни танитиши, Аллоҳ қамолидаги таълим тарбияга оид ўғитлардан боҳабар этиши, ҳалол ҳаромни, гуноҳ ва савобни фарқлаш, покиза юриш, касб-ҳунар ўрганиш ҳамда дунёвий илмларни эгаллаш

кабиларни сингдириши керак. Шарқона миллий қадриятларимиздан бири фарзандларнинг ота-онага меҳрибон бўлиши, уларнинг барча айтган гапларини сўзсиз бажаришдир. Ҳаётда шундай инсонлар ҳам учраб турадики, фарзандларини кечаю-кундуз меҳнат қилиб боқиб, вояга етказиб, уйли-жойли қилишадию, вақти келса ноқобил фарзандлар ота-онани боқишга қурби етмай қоладилар. Бу эса оилада маънавий муҳитни оилада яхши йўлга қўйилмаганлигини, фарзандда ёшлигидан билим олиб ҳунар ўрганишга, меҳнат қилиб ўзини, оиласини, бола-чақасини боқиб, фарзанднинг ота-онага, қариндош уруғларига нисбатан бўладиган ҳурмат-иззат каби инсонийлик туйғулари шакллантирилмаганлигидан далолат беради. Қандай бўлмасин фарзанд тарбиясида урф-одатлар, миллий қадриятларга амал қилган ҳолда тарбиявий ёндошиш тақозо этилади.

Ўзбекларда “Экканигни ўрасан” деган нақл бор. Ота-она тарбия жараёнида фарзандлари қалбига қандай уруғ эккан бўлса, кейинчалик аччиқ ёки чучук меваларни ўзлари татишади. Ота-она, фарзандлар ўртасидаги ишонч, ҳурматга асосланган муносабатлар – оила мустақкамлигининг яна бир кўринишидир. Оилада маънавий тарбияни кучайтиришда отанинг ўрни бекиёсдир. Ўзбек оилаларида отага бўлган ҳурмат кўр-кўрона сиғиниш эмас, балки унинг обрў-эътиборини қадрлаш, унга ишониш ва суянишдир. Донишманд оталаргина фарзандларини билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантира олади ва ҳаётдаги барча оғирликларни ақл-идрок, сабр-чидам, ғаёрат ва матонат билан енгиб ўтишга учрайди, чиниқтиради. Қобил фарзандлар ота изидан боради. Отанинг дўстларини, қадрдонларини ҳурмат қилади, укаларини тарбиялайди, қариндош-уруғларига меҳрли, оқибатли бўлади. Албатта, буларнинг ҳаммаси кўпни кўрган, ақлли оталарнинг меҳр ва муҳаббат билан фарзанд қалбига жойланган маънавият нуридан дарак беради.

Шарқона тарбияда оталар каттиққўллик, тўғрисиқлик, ҳалимлик, мардлик, ботирлик каби фазилатларни фарзандлар қалбида шакллантиришган. Масалан, ота уйининг тўрида калин кўрпачада ўтирган,

фарзандлар бирор узоқ сафарга кетишмоқчи ёки бирор ишни қилишмоқчи бўлса, аввало отанинг маслаҳати ва ризолигини олишган. Ота ўтирган уйнинг томига чиқишмаган, ота ўтирган уйга рухсатсиз киришмаган, отадан олдин гапиришни, отанинг олдида ёнбошлаб ётишни одобсизлик деб билишган, ҳаттоки отадан олдин овқатга қўл узатишмаган. Ота оиланинг ҳар бир ижтимоий жабҳасида ҳал қилувчи ролни ўйнаган. Шунинг учун ҳам халқимиз орасидаги “Ота рози – Худо рози” деган ҳикматли сўзлар ўзбек оилаларида маънавият мезони, ахлоқ, одоб тушунчаларига айланиб қолган. Фарзанд тарбиялашда ота ҳам она ҳам бирдек талабчан бўлиши керак. Она фарзандлари олдида умр йўлдошини қадрлаши, ҳурматини, иззатини ўз ўрнига қўйиши, оилада соғлом муҳитни юзага келишига ҳамда фарзандларни маънавий жиҳатдан етук бўлиб ўсишларига сабабчи бўлади.

Фарзанднинг бурчи ва масъулияти масаласи миллий урф-одатларимизда, кадриятларимизда, диний анъаналарда бўлганидек, давлат томонидан қабул қилинган қонунларда ҳам ўз ифодасини топган. Ўзини халқ олдида бурчли, масъулиятли деб билиб, ота-онасини унутган шахсни маънавиятли инсон деб бўлмайди. Умуман, инсондаги Ватанга, жамиятга, халқига ҳурмат ота-онага бўлган ҳурматдан бошланади. Ота-онани қаровсиз қолдирган, уларга азоб бериб, ҳақоратлаганлар “Оқ падар” деб ҳисобланган. Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) ҳадисларида ҳам ота-онани ҳурмат қилиш юзасидан қуйидаги фикрлар келтирилади: “Ота-оналарнинг кексалик вақтида ҳар иккисини ёки бири бўлмаганда бошқасини рози қилиб жаннатий бўлиб олмаган фарзанд ҳор бўлсин, ҳор бўлсин ва яна ҳор бўлсин”.

Шундай экан, ота-онани ҳурмат қилишни фарзанд оддий деб тушунмасликни, балки имонлиликнинг юқори белгиси деб билмоғи лозим. Ўз ота-онасини рози қилмайдиган, уларни ранжитадиган фарзанднинг иши ҳеч қачон олға бормайди ва элнинг обрў-эътиборига сазовор бўлмайди, аксинча, халқ уни ёмон сўзлар билан тилга олади.

Ота-боболаримиз оилада болаларни одамийлик ва инсонийлик руҳида тарбиялашга интилиб келганлар. Бу борда миллий урф-одатларга,

қадриятларга суянганлар. Диний маданиятимизнинг сарчашмаларидан баҳраманд бўлганлар. Мусулмончиликнинг мақсади, инсон боласининг одамийлик фазилатларини йўқотмасликка чақиришдан иборатдир. Ислом динида энг катта савоб, бу – инсоннинг кўнглига озор етказмасликдир. Ана шуни тушуниб амалда бажарган инсонни диёнатли инсон дейилади. Диёнат кенг маънода азалий қадриятимизни бир бўлаги бўлиб, инсонни жамият ва давлат олдида, миллат ва халқ олдида масъулиятини, авлод-аждодлари олдидаги жавобгарлигини ҳамда ота-оналар олдидаги қарздорлигини эслатиб турадиган инсоний фазилатдир. Ана шунга кўра ўзбек оилаларида мусулмончиликда қадрланган ва болалар мусулмончилик қоидалари асосида маънавий руҳда тарбияланганлар, ота-боболаридан қолган урф-одатларга, қадриятларга амал қилинган. Оилада ёшларни ота-онага, ака-укаларга, опа-сингилларга, қариндошларга нисбатан одоб, ахлоқ доирасида ҳурмат, муомала қилишга ўргатиш миллий тарбиянинг асосий томонларидан бири бўлган. Ота-онасига яхши, самимий муносабатда бўлган одам келажакда ўз фарзандларидан ҳам шундай ҳурмат оладилар. Шунинг учун оилада фарзанднинг маънавий жиҳатдан етук бўлиб ўсиши оилада ота-онанинг қандай тарбия берганлигига, миллий урф-одатлар ва қадриятларимизни қанчалик даражада ўзлаштирганлигига боғлиқ деб тушунмоқлик зарур.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, оиладаги маънавий муҳитни шакллантиришда, фарзандлар тарбиясида баркамоликка эришишда аجدодлардан қолган буюк меросни яъни, урф-одатларни, анъана ва қадриятларимизни қанчалик оилада, фарзандлар онгига сингдирсак ёш авлодни ҳар томонлама комил инсон бўлиб етиштиришга замин яратган бўламиз. Бугунги кунимизнинг, давлат сиёсатидаги бу борадаги асосий вазифалардан, деб тушунмоқликни тақозо этади. Зеро, бугуннинг талабига жавоб берадиган авлодни тарбиялаш барчамизнинг зиммамизга юксак масъулият юклайди.

II.Боб.Оилада дастлабки одоб қоидаларини шакллантиришнинг усул ва воситалари.

II.1. Оилада фарзандларга дастлабки одоб қоидаларини шакллантириш усул ва воситалари.

Маълумки, ўзбек оиласининг ва оила аъзолари ўртасидаги муносабатларнинг ўзига хос миллий хусусиятлари мавжуд бўлиб, ота-боболар ва момолардан мерос қолан маънавий қадриятлар, урф-одатлар замирида таркиб топган оиладаги маънавий тарбиянинг асосига суянилади.

Юртбошимиз таъбири билан изох берадиган бўлсак: Бунда ўзаро ҳурмат ва қаттиқ тартиб бўлмаса, оиланинг барча аъзолари ўз бурчларини адо этмаса, бир-бирларига нисбатан эзгулик билан меҳр-оқибат кўрсатмаса, яхши ва муносиб тарзда яшаш мумкин эмас... ўзбекларнинг аксарияти ўзининг шахсий фаровонлиги тўғрисида эмас, балки оиласининг қариндош-уруғлари ва яқин одамларнинг, қўшнилари омон-эсонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишни биринчи ўринга қўяди. Бу эса энг олий даражада маънавий қадрият, инсон қалбининг гавҳаридир.

Оилада болаларнинг руҳан ва жисмонан соғлом бўлиб ўсишига оила муҳитининг таъсири каттадир, чунки оилавий муҳит қандай бўлса, болалар худди шу муҳит таъсирида улғаядилар. Оила муҳити болаларга таъсир кўрсатиш билан биргаликда уни атрофидаги ҳаётга мослайди. Жамиятда эса болаларни руҳан ва жисмонан соғлом қилиб вояга етказиш ота-онанинг нафақат шахсий иши, балки, ижтимоий бурчи ҳамдир. Шундай экан ҳар бир ота-онанинг бурч ва вазифасига масъулият билан ёндошиб, оилада ҳар томонлама соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, унинг ижтимоий-иқтисодий барқарорлиги, фаровонлигига эришиш била бир қаторда, билимли, ақл-заковатли, уддубурон, зукко, руҳан ва маънавий баркамол

инсонни вояга етказиш, шунингдек, оила анъаналари, касб-кори, шажарасининг давомиёлигини таъминлаш, фарзандни бўш вақтини унумли ўтказишга эришиш, гиёҳвандлик, маиший нопоклик, ахлоқсизлик, носоғлом эътиқод, ақидапарастлик, хоинлик каби баъзи бир иллатларнинг пайдо бўлишига йўл қўймаслик ва бошқалар киради. Бизнинг менталитетимизда фарзандлар ота-оналарига ўхшашга ҳаракат қиладилар, ота-оналар эса ўзлари билиб билмасдан зўз характер ва хусусиятларини, орзу-ҳавасларини фарзандларига сингдириб борадилар. Айнан ана шундай характер хусусиятларидан бири бўлган меҳр-мурувватлилик ота-онадан фарзандларига ўтади. Айниқса, ўсмирлик давридаги болаларга ота-онанинг меҳрибонлиги, доимий назорати ва дўстона маслаҳати катта аҳамиятга эга. Аммо афсуски, кўпгина ота-оналар фарзандини “бебош” қилиб қўймаслик учун бу ажойиб инсоний туйғудан чўчийдилар. Улар боланинг тантиқ, шахсиятпараст бўлиб қолишидан ташвишланадилар. Лекин жуда кўп салбий хусусиятлар бола ота-онанинг тўғри мурувватидан, эркалашидан, эътиборидан маҳрум бўлган шароитларда вужудга келади. Шунинг учун ҳам бола ўзининг севишларига, ўзига ғамхўрлик кўрсатишига ишонч ҳосил қилиши ота-онанинг муҳим вазифасидир.

Ҳар қандай фарзанд учун, аввало, ота-онанинг меҳрибончилиги, эътибори зарур. Аксарият жиноятчи бўлиб қолган болалар ота-оналарининг ва яқин қариндошларининг меҳрибон эмаслигидан азият чекадилар. Бундай носоғлом оила муҳиtida руҳан эзилиб, ҳар хил касалликларга чалиниши мумкин. Бундан ташқари, у бекорчилик оқибатида, ичкиликбозлик, ўғрилиқ, гиёҳвандлик, жиноятчилик кўчаларига кириб кетиши ёки турли жиноий ва диний экстремистик гуруҳларнинг таъсирига тушиб қолиши мумкин. Оилада ўсмир бола нима билан доимий банд ва қандай ишлар билан шуғулланишини дастлаб ака-сингиллар ёхуд опа-укалар, кейинчалик она сезиб қолади. Лекин оила тарбияси каби катта масъулият биринчи навбатда ота ва она зиммасига тушади. Шу ўринда бир нарсани алоҳида уқтириш керакка, болалар тарбиясида асосий таъсирчан куч-қудрат, бу – Онадир. Президентимиз айтганларидек: Оилани ҳам, жамиятни ҳам бирлаштириб, унга файзу барокат

киритадиган, хонадонларимизни меҳр-муҳаббат, нафосат, эзгулик нури билан мунаввар қиладиган зотлар ҳам аслида мўтабар оналардир.

Шундай экан, оила муҳити, қолаверса, болаларнинг келажаги, уларнинг руҳий дунёси ижтимоий тасаввурларининг ижобий ва бой бўлиши кўп жихатдан оналарга боғлиқ.

Юқоридаги фикрларимизнинг исботи сифатида айрим оилавий келишмовчиликларни келтириб чиқарувчи ота-она билан ўсмир болалар муносабатларидаги миллий хусусиятларини санаб ўтиш мумкин. Маълумки, ўзбек оиласи болажон оила бўлиб, биз шунинг учун фақат ўсмир ёшдаги болаларнинг ота ва оналарига муносабатини конкрет вазиятлар билан боғлаш ўринли деб қуйидаги мисолларни ҳавола қиламиз. Бирор ишни бошлаш ёки бирор ерга боришда ҳам ота-онанинг фикри билан келишиш, улардан рухсат сўраш барча болаларга хос, қизларнинг деярли аксарияти ҳам отадан, ҳам онадан сўрашади. Шаҳардаги ўғил болаларга онанинг фикри, розилиги муҳимроқ. Шуниси характерли, барча тоифада ҳам отадан кўра онадан кўпроқ изн (розилик) сўраш ўзига хослиги маълум бўлди. Демак, ота-она билан болалар ўртасидаги муносабатларида онанинг етакчи роли болалар фикрида яққолроқ намоён бўладики, бу онанинг оилавий юмушларни бошқариши, уйда кўпроқ бўлиши билан боғлиқдир.

Оилавий келишмовчиликлар кўпгина бирор бир муаммо асосида келиб чиқишини инобатга олсак, айрим оилавий келишмовчиликларни келтириб чиқариши мумкин бўлган ота-она билан ўсмир болалар муносабатидаги миллий хусусиятлардан яна бири намоён бўлади. Нисбатан олиб қаралганда оилавий муамолар юзасидан ота-оналар ўз болалари билан деярли фикрлашмайдилар, баъзан фикр сўрайдиганлар қишлоқ оилаларига хосдир. Жинсга оид оладиган бўлсак, ота-оналарнинг болаларидан фикр сўраши ўғил болаларга нисбатан қиз болаларда кўпроқни ташкил этади. Уларга нисбатан қизларнинг мавқелари юқорироқ. Бу албатта, бир томондан ўсмирларга хос максимализм бўлиб, қизларнинг оналари билан эмоционал жихатдан

яқинлигини кўрсатади. Шунинг учун айнан қизлар оилада бирор низо чиқиб қолса, унга аралашиб, уни тўхтата олишларига ишонадилар.

Ўсмирлар билан муомалада ҳар бир ота-она, катталар, аввало болаларнинг ёш хусусиятларини инобатга олиб, иложи борида улар билан юмшоқ ва жиддий муносабатда бўлишлари, айрим масалаларда уларнинг ҳам фикрларини сўрашлари, гапларига эътибор билан қулоқ солишлари керак.

Инсон камолотининг кўринишларидан бири-обрў-эътиборга эга бўлишдир. Обрў бир кун ёки бир йил мобайнида ҳосил бўладиган жараён эмас. Обрўни инсон ҳаёт мазмунидаги фаолияти жараёнида аста-секин шаклланиб боради. Ота-онанинг оиладаги обрўси тарбия воситаси сифатида хизмат қилади. Обрў оилавий муносабатлар жараёнида шаклланади.

Маънавий ахлоқий хислатларни, замон руҳига мос тушадиган фазилатларни шакллантиришга қаратилади. Мазкур тоифадаги оила аъзолари даврасидаги суҳбатлар, мунозаралар, баҳслар мулоҳазалар ўзаро тенглик, ҳурмат руҳига бўйсундирилади. Оилавий муносабатларининг ушбу кўринишда турли ёшдаги, жинсдаги болаларга мақсадга мувофиқ тарбиявий таъсир ўтказиш имконияти мавжуддир.

Шу боисдан тасодифий воқеа ва ҳодисаларнинг содир бўлиш турли тарзда баҳоланади ва уларга бевосита алоқадор оила аъзолари турмуш тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ё рағбатлантирилади ёки танбеҳ берилади, жазоланади. Бундай одилona амалга оширилган мулоқот таъсирида ўғил-қизлар руҳий дунёсида ота-онага нисбатан дилкашлик, ҳушмуомалалик, ўз фаолияти учун жавобгарлик, ўз-ўзини бошқариш каби муҳим инсоний фазилатлар пайдо бўлади.

Оилада муносабатнинг яна бир тури «авторитар» - ёки «обрўталаб» муносабат деб аталиб, бунда ота-онанинг обрўси шахслараро мулоқотда ҳал қилувчи, етакчи рол ўйнайди. Шахслараро тенг ҳуқуқлилик, эркин хатти-ҳаракат қилиш, ташаббускорлик бунда ўз аҳамиятини йўқота бошлайди. Оила аъзоларининг юриш-туриши, хатти-ҳаракати кўпинча катталар

томонидан чеклаб қўйилади. Ота-она томонидан тарбиявий таъсир ўтказишнинг асосий усули бу жазолаш ҳисобланади, бироқ, онда-сонда рағбатлантириш усулидан фойдаланилганда ҳам маънавий рағбатлантириш имкониятига эга бўлмайди, муносабатдаги бундай нохушлик ота-она кўзлаган тарбиявий мақсадни амалга оширмайди ва паст самара беради. Бунинг оқибати натижасида оила аъзолари ўртасида, меҳр-оқибат ҳисси пасаяди. Ушбу пайдо бўлган салбий нуқтайи назар ота-онага нисбатан қўлланилади.

Фарзандларда ота-онага яқинлик меҳр-муҳаббат ҳисси биров бўлсада камаяди, кейинчалик бу туйғу узоқлашиши “бегоналашиш” томонига ўсиб ўтади. Оилавий турмуш муносабати ичида «либерал» (муросасозлик) тоифаси ҳам кўзга ташланиб туради. Оила даврасида ота ёки она муросасоз, кўнгилчанг бўлишлик ташқи кўринишидан илиқ руҳий иқлимини ўзига акс эттигандай бўлиб туюлса ҳам, аслида унда ҳамжиҳатлик, ўзаро тушуниш етишмайди. Муросасозлик таъсирида фарзандлар феъл-атворида мунофиқлик, икки юзламачилик, келишувчилик каби иллатлар таркиб топиши мумкин.

Ота-она обрўси оиладаги ахлоқий тарбиянинг гарови ҳисобланади. Буюк алломаларнинг мулоҳазаларига кўра, тарбияда ҳазилга йўл қўювчи жиддийлик ҳукм суриши лозим, лекин ҳамма иш ҳазилга, эрмакка, сертакаллуфликка, адоват, тирноқ орасидан кир излашга айланиб кетмаслиги керак. Шу боисдан муайян педагогик-руҳият қонун-қоидаларига риоя қилинган ҳолда ота-оналар тарбия принциплари, усуллари, воситалари билан қуроллангандагина ҳақиқий назокатга ва одобга эришиш мумкин. Бу нарса улардан чуқур изланишларни талаб қилади. Оилада фарзандларга тарбиявий таъсир кўрсатишининг илтимос, маслаҳат, ишонтириши, талаб қилиш, буйруқ ва танбех бериш, жазолаш, рағбатлантириш сингари қатор усулларидан ўз ўрнида ва меъёрида фойдаланилмаса, кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди.

Мезон туйғуси ва меъёр ҳиссига амал қилиш ота-она руҳий дунёсига, маънавиятига сингиб борса, у ҳолда фарзандларидан узоқлашиши, бегоналашиш, борди-келдига бориш, англашилмовчилик ғояларининг вужудга келиши, бачканалашиш, баджаҳллик, асаббузарлик ҳулқ-атвори намоён бўлмайди.

Тарбиянинг муҳим роли нутқ ҳисобланади, шунинг учун ота-она ўз нутқида ёқимсиз оҳанг билан, мантиқсиз ва қайтариқ сўзларини ишлатиш ва кўллаш билан фарзандларни ранжитишлик, уларда ишонч ҳиссини сўндирадиган, ҳазил-мутойиба, самимий бўлмаган фикр ва мулоҳазалардан сақланиш керак. Ҳаётда мулойимликка, ширинсуҳанликка, самимийликка, соф виждонлиги, дилкашлик ва ҳотамтойликка ҳамдардликка нима етсин!

Одатда, ота-она назокатли бўлгандагина ҳақиқий обрў- эътиборга эришади. Бундан ташқари, обрўли бўлмоқ учун ишонч ҳар томонлама ривожланган бўлиши, шунингдек, ақлий, ахлоқий эстетик жиҳатдан муайян чўққига эришган бўлиши даркор. Буларнинг барчаси ота-онадан ақл-заковатли, миллий удум ва урф-одатларни мукаммал эгаллаган шахс бўлишни талаб қилади.

Оилавий турмушда фарзанд камол топишини тўғри йўлга қўйишнинг асосий воситаси болада эътиқодни шакллантиришдир. Буни болани фақат ишонтириш йўли билан амалга оширса бўлади. Шунинг учун ота-она ўғил-қизларни вояга етказишда уларни кўр қилишга ёки асоссиз буйруқ беришга таянмаслиги керак. Хўш, ота-она обрўси фарзандларда қачон пайдо бўлади? Оилавий турмуш тажрибаларидан шу нарса маълумки, ота-онанинг обрўси давлат ва оила аъзолари олдида жавобгарликни ҳис қилишдан бошланади. Мабодо, ота-она ўз иши, ўз бурчи учун жавобгар эканлигини тасаввур қила олса ва унга амалиётда риоя қилса, мана шу нарса уларнинг обрў-эътибор қозониши учун асосий замин ҳисобланади. Уларнинг руҳий дунёси, маънавияти оилавий илиқ муҳит учун етарли ва таъсирчан болса, ўз-ўзидан обрў- қозонилаверади, оила аъзолари ўртасида меҳр-муҳаббатга эришади.

Агарда ота-оналар ўзларининг ҳуқ-одоб хислатлари, ҳис- туйғулари, хатти-ҳаракатларида буларга риоя қилсалар, оила аъзолари ҳамда жамоатчилик ўртасида етарли даражада обрў қозона оладилар. Лекин, обрў қозониш шахснинг тезкорлик билан амалга ошириладиган сифати эмас. Ота-она обрўси бутун ҳаёт давомида кундалик ибратли ҳуқ, ахлоқ, интизоми, ақл-заковати, камтаринлиги, ишбилармонлиги билангина қўлга киритишади. Ибрат, намуна, чекилган заҳмат, заковат, чин эзгу ният, ҳайрли иш, самимийлик эвазига юзага келган обрў ҳақиқий обрў бўлади.

Бундай обрў фарзандлар хайрхоҳлиги ва ҳамдарддигига сазовор бўлади. Натижада, оила аъзолари тотув, осойишта, иноқ, аҳил, хотиржам, ҳамжихат турмуш кечирадилар. Оиладаги фарзандлар юксак ҳис-туйғули, маънавиятли маданиятли инсон сифатида руҳий озуқа оладилар, улар ота-оналари билан беҳад фахрланадилар, ҳис-ҳаяжонга тўладилар ва шу ғурур билан яшайдилар, аста-секин энг зарур шахсий фазилатларини эгаллаб борадилар. Оилавий турмушда айрим ота-оналар фақат тазйиқ ўтказиш йўли билан фарзандлари ҳамда бошқа оила аъзолари даврасида обрў орттиришни хоҳлайдилар, бу нарсани яшашнинг асосий воситаси деб ҳисоблайдилар. Бунда улар кўрқитиш, буйруқ бериш, руҳан эзиш, таҳқирлаш, у тазйиқ ўтказиш усулларини қўллайдилар. Гоҳо улар заҳархандалик ва баджаҳлликни бола тарбиясининг энг муҳим усули деб биладилар. Кўрқинч асосида болада вужудга келган «тобеликни», «бўйсунитиш» улар ўзларича фарзандлари даврасида эришган обрўси деб ўйлайдилар, тарбиянинг бу усули юқорида айтиб ўтилганидек авторитар деб айтилади.

Айрим ота-оналар эса ўз фарзандлари билан камроқ мулоқотда бўлишни, ўзларини улардан узоқроқ олиб юришни шу йўл билан обрў орттиришни ҳам ҳаёл қилишади. Уларнинг назарида гўё фарзанд билан қанча кам учрашишса, маълум масофадан муомала қилишса, шунча кўпроқ обрў қозониш мумкин эмиш. Бу нотўғри тушунча, юзаки қарорга келиш ҳисобланади. Аксинча, ота-она ўз фарзанди билан қанча кам мулоқотда бўлишса, уларнинг руҳияти билан яқиндан танишмаса, ўз таъсирини

ўтказмасида, улар ўртасида бегоналашиш, бефарқ бўлиш, ҳис-туйғулари, ишонишлари, хоҳишлари келиб чиқади.

Ҳозирги пайтда шундай ота-оналар ҳам учрайдики, улар болага фақат расмийчилик билан муносабатда бўлиш орқали обрў орттиришга ҳаракат қилишади. Ўз мақсадларини амалга ошириш учун улар қилдан қийик кидиришади, хатти-ҳаракатларни келтириб чиқарган асл сабабдан кўз юмишади. Болага ҳадеб танбех беришади, бегоналар даврасида калака қилишади. Унинг юриш-туришларини чеклаб қўйишади, бўлар-бўлмасга танбех беришади, арзимас ҳаракат учун жеркиб, силтаб ташлашади. Фарзандларига кўп панд-насихат қилавериш ҳам шахслараро муносабатда нохуш кечинмаларни вужудга келтиради. Ота-оналар арзимаган майда-чуйда муаммо, мулоҳаза, кўмак учун ҳам узуридан-узоқ ўғит-насихат қиладилар. Фарзанд эркини поймол этиб, мустақил фикр юритиши, интилишини оёқ ости қилишгача бориб етадилар. Улар ўзларнинг насихатгўйликларини ота-оналик бурчи деб баҳолайдилар.

Майда гаплик, эзмалик билан ўғил-қизлар ўртасида ҳақиқий обро қозониб бўлмайди. Турмушда сохта яхшилик қилиш орқали фарзандлари олдида обрў орттиришмоқчи бўладиган ота-оналар ҳам бор. Бундай ота-оналар ўзларининг юмшоқ муомалалиги, беозорлиги, кечирувчанлиги, ён берувчанлиги, кам талабчанлиги билан фарзандларини ўзларига ром қилиб олишни истайдилар. Уларнинг феъл-атворида, на маънавиятида қатъиятчилик, на талабчанлик, на барқарорлик мавжуд. Тилёғламачилик, сохталик, сунъийлик билан болада юксак инсоний хислатларни, олийжаноб ҳис-туйғуларни, иродавий сифатларни таркиб топтириб бўлмайди. Ота-она обрўсини орттиришда ибрат кўрсатиш усули муҳим рол ўйнайди, оилада тарбия ишини муваффақиятли амалга ошириш учун ота-она тинмай ўзларини ҳам педагогик, ҳам руҳий жиҳатдан тарбиялаб боришлари керак, улар ўзларида етишмайдиган сифатларни эгаллаб бориб, мавжуд иллатларни батамом тугатишлари лозим. Чунки ота-онанинг тарбия жараёнидаги истеъдоди — бу фарзандларга нисбатан муҳаббат ва садоқатдан иборатдир.

Ота-оналар ўз фарзандлари ўртасида обрўга эга бўлишлари учун қатор чора-тадбирларни амалга оширишлари зарур. Фарзандларни ёшига мос ҳолда қатор тарбиявий ишлар олиб боришлари даркор.

- Ота-оналар фарзандлари даврасида обрў орттириш учун уларнинг руҳий дунёсига кириб боришлари айтилган. Чин обрўга эга бўлмоқчи бўлган ҳар бир ота-она қиммат вақтларини ўз норасидаларидан ҳеч маҳал аямасликлари керак.

- Оила даврасида ота-оналарнинг кузатувчанлиги, зийраклиги, сезгирлиги, ғамхўрлиги, ҳозиржавоблилиги, самимийлиги муҳим аҳамият касб этади.

- Ота-оналарнинг ўз фарзандларига ва оиланинг бошқа аъзоларига (бува, буви, келин ва бошқалар)га меҳрибонлиги обрў орттиришнинг энг муҳим йўлидан биридир. Фарзандларининг кучига, қобилиятига, ақл-заковатига хотирасига, диққат-эътиборига, иродавий хислатига, қизиқишларига, кўникма ва малакаиарига қараб ақлий ва жисмоний топшириқлар бериши ҳамда ўз вақтида, узлуксиз равишда уларнинг натижасини текшириш ва оқилона баҳо бериш, рағбатлантириш болаларда қатъийлик, дадиллик фазилатини вужудга келтиради, мустақил илмини, ташаббус кўрсатиш сари чорлайди, катталарга нисбатан ихлоси ортади.

- Ихлос, ҳурмат, интилиш, тиришқоқлик обрўнинг узвий занжирлари ҳисобланади.

- Ота-оналарнинг ижтимоий муҳитда, жамоатчилик ўртасида ва оила даврасидаги самимийлиги ва ғамхўрлиги уларга катта обрў келтириши мумкин. Улардаги самимийлик, ғамхўрлик фазилатлари фарзандлар руҳий дунёсига катта таъсир этади, руҳланиш, тўлқинланиши, шижоат, эҳтиросни вужудга келтиради. Уларнинг ибратли хислатлари, шахсий фазилатлари, иродавий сифатлари, ўз-ўзини қўлга олиш каби жиҳатлари йигит ва қизлар қалбида ўчмас из қолдиради. Ота-онага нисбатан ишонч, интилиши мойиллик ҳамдардлик сифатлари шакллана боради. Оилада руҳий муҳит тотувлик мавжуд бўлиши учун ота-оналарда ҳақиқий маънодаги назокат ҳамда обрў мустаҳкам шаклланган бўлиши керак.

Ҳозирги илмий адабиётларда оиланинг маънавий асоси масаласида, шахснинг камол топиши билан узвий боғлиқ бўлган билим, санъат, архитектура, миллий, диний, ахлоқий, бадиий ва бошқа қадрият турлари, миллий истиқлол мафкураси каби талай маънавият ва маърифат хусусида гапирилади. Боланинг маънавий тарбиясида оиланинг аҳамияти муҳимлиги таъкидланади.

Ота-онанинг оиладаги моддий, ташкилий, тарбиявий ва ўзаро шахсий масалалар юзасидан бир-бири билан бўладиган муносабатлари соф, самимий, эрнинг хотинига, хотиннинг эрига нисбатан ўзаро ҳурмати, иффати асосида қурилсагина, бунда у оилада мусаффо маънавий муҳит ва ҳамжиҳатлик вужудга келади. Айниқса, ота-она муносабатидаги, уларнинг бир-бирига меҳрибонлиги, фарзандларига бир хил муомалада бўлиши, ҳар икки томоннинг қариндош-уруғларига бир хилда меҳр-оқибат, ҳурмат билан қараши, бир сўзлиги, ҳақиқатни гапириш каби (ижобий фазилатларга эга бўлиши, шунингдек, соғлом ҳаёт кечириши, чекиш, ёлғончилик, маиший бузуқлик, димоғдорлик, манманлик ва бошқа шу каби иллатлардан ҳоли бўлиши оилавий муносабатлар маданиятининг софлигини таъминловчи хусусиятлардир.

Бундай ижобий хусусиятларга эга бўлиш, серфарзанд оилаларда ҳам, ёки фақат эр ва хотин яшайдиган оилаларда ҳам оғир кечади. Чунки эр-хотин турли шароитда, муҳитда тарбияланган, уларнинг қарашлари, маълумоти, ёши, маънавий савияси ва бошқаларда номувофиқлик мавжуд бўлиши мумкин. Эр-хотиннинг бир-бирига кўникиши, ўзаро ҳурмати, дўстона муносабатларининг шаклланиши учун улар орасидаги севги дастлабки манба бўлса, ахлоқий қадриятларнинг гултожи бўлган ибо, ҳаё, хушмуомалалик, меҳнатсеварлик, саришталик, озодалик, пазандалик, ғамхўрлик, меҳр-шафқат каби азалий одатларимиз оилани мустаҳкамлашда иккинчи манба бўлади.

Институт жамиятда хотин-қизларнинг сиёсий онглилик даражаси юксалтитириш билан бирга аёлларга тааллуқли ижтимоий муносабатларни ўрганади, шу орқали аёлларнинг иқтисодий, сиёсий, маиший, маданий,

таълимий ва бошқа соҳалардаги аҳволини тадқиқ қилади. Бугунги кунда Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ижтимоий ишлаб чиқариш, соғлиқни сақлаш, маориф, маданият, савдо, маиший хизмат кўрсатиш соҳаларидаги салмоғи 80-90 фоизга етган. Бу борада «Тадбиркор аёллар уюшмаси» ҳам катта фаолият кўрсатмоқда.

Аввало, ушбу масалада шунга ҳам эътибор бериш жоизки, Республика Хотин-қизлар қўмитаси ҳузурида Республика «Оила» илмий-амалий маркази ташкил этилди. Оила давлат қарамоғида бўлар экан, унда албатта, оналар ижтимоий муҳофазаси масаласини ҳал этмоқ лозим. Президент фармонида мувофиқ (1994-йилдан) болали оилаларга 3 хил нафақа тўланадиган бўлди:

1. Бола туғилиши муносабати билан бир йўла бериладиган нафақа (6 ой мобайнида мурожаат қилинса, берилади). Энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдорида тўланади.
2. Бола 2 ёшга етгунча уни тарбиялаган оналар учун бериладиган нафақа. Яни онанинг декрет таътилига 2-йил мобайнида ҳақ тўланади. Бу энг кам иш ҳақининг 175 фоизи миқдорида берилади.
3. 16 ёшгача болалари бўлган барча оилаларга ҳар ойлик нафақа, мурожаат қилингандан кейинги ойдан бошлаб берилади. Ҳар ойда тўланадиган нафақа оиланинг битта боласига энг кам иш ҳақининг 50 фоизи, иккита боласига 100 фоизи, учта боласига 140 фоизи, тўрт ва ундан ортиқ болага 175 фоизи миқдорида берилади.

Давлат 16 ёшгача бўлган болалари бор оилаларга биргина 1997-йилда нафақалар тўлашга 9,6 млрд. сўм ажратган. Тажрибали кишиларнинг айтишича, ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчи ниҳоятда масъулиятли ҳисобланишини маънан ҳис қилиш даркор. Фарзандларнинг келажакда қандай маънавият эгаси бўлиши кўп жиҳатдан ота-она, у берган тарбияга боғлиқ. Ҳар бир ота-она фарзанди олдида ўз оталик, оналик бурчини тўлиқ ҳис этиши, унга жавобгарлигини маънан англаб етиши лозим. Шулардан хулоса қилган ҳолда, «Соғлом авлод» давлат дастурини назарда тутиб

фарзандлар тарбияси қуйидаги босқичларда амалга оширилишини ҳар бир ота-она яхши билиши фойдадан ҳоли бўлмайди:

- Насл тарбияси, яъни бола тарбияси бола туғилмасдан 3-4 йил олдин бошланиши зарур. Бу фарзанд кўришни истаган ота-онанинг бўлажак фарзандлари тақдирига масъулият билан қараб, ўзларининг саломатликларини яхшилашларини назарда тутди.

- Иккинчи босқич — ҳомиладорлик давридаги парвариш. Бу масала ўта муҳим аҳамиятга эга бўлиб, «Соғлом авлод» давлат дастурида ҳам асосий мавзу сифатида белгилаб берилади. Айниқса, ривожланган мамлакатларда ҳомиладорлик даврида оналарга катта ғамхўрлик кўрсатилади.

- Учинчи давр бола туғилгандан то 6-7 ёшгача бўлган давр. Шу даврга келиб, бола маънавиятининг куртакларини парваришlash ва янада ривожлантириш даври бошланади.

Хуллас, оила маънавияти тизимида ўзаро муносабатларнинг тартиб-интизом, ота-оналик бурчининг англаниш даражасининг аҳамияти нечоғли катталигини исботлайди. Оилавий ўзаро муносабатларда баъзан катталарнинг айби билан содир бўладиган низолар, табиийки, бола томонидан идрок қилинади, англанади, маълум бир баҳога (ижобий ва салбий) эга бўлади. Ушбу баҳолар реал вазиятларда салбий хулқ шаклида намоён бўлади. Натижада боланинг оилага, унинг қадриятларига, истикболда оила қуришга бўладиган интилишларида акс этади. Ана шу барча кўринишларни ҳисобга олган ҳолда оилада ота-онанинг фарзандлар маънавий тарбиясидаги ўрнини баҳолашда холислик билан ёндошишликни тақазо этади. Оилавий келишмовчиликлар тўғрисидаги ижтимоий тасаввурлар эса оиладаги муносабатлар устивор бўлган оилаларда ижобий, носоғлом ёки нотинч, қаттиққўллик ва асоссиз тазйиқ, устун оилаларда эса салбий ҳолатларга олиб келувчи тасаввурлар шаклланади. Демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этар эканмиз, баркамол инсонни тарбиялаш, меҳр-мурувват туйғусига бой шахсни вояга етказиш энг устувор вазифалардан бири бўлиб қолади, бу эса жамиятимизда меҳр-мурувват

маданиятини ривожлантиришни тақазо этади. Чунунчи, меҳр-мурувват маданиятини ўзида шакллантира олган ҳар бир инсон руҳан ва жисмонан соғлом бўлади. Шу жиҳатдан олганда барча фарзандларимиз қалбида меҳр-мурувват ва раҳмдиллик туйғуларини шакллантириш ва камол топтириш туйғуларини шакллантириш ва камол топтириш принципиал моҳиятга эга бўлиб, бу вазифанинг изчил амалга оширилиши ота-она зиммасидир. Зеро ота-онанинг бурчларидан энг олийси ана шу маънавий тарбия орқали, қадриятлар орқали, ватанга содиқ фарзандларнинг тарбиялаш ва уларда ватанига, ўз халқига нисбатан фахрланиш туйғусини уйғотишдир.

II.2. Оилада дастлабки одоб қоидаларини шакллантиришнинг тажрибадаги натижалари.

Оилада дастлабки одоб қоидаларини шакллантиришда ота-онанинг ўрнини ўрганиш мақсадида оилаларда суҳбат, учрашув ва анкета сўровномаларни ташкил этдик. Қуйида ана шундай “Фарзанд тарбиясида оила, маҳалла ва таълим муассасаларининг ўрни” мавзусидаги тажриба-синов натижасини келтириб ўтамыз. Тажриба-синов жараёнида Денов тумани “Жаматак” маҳалласидаги оилалар танлаб олинди.

Тажриба-синовнинг мақсади: оилада дастлабки одоб қоидаларини шакллантиришда ота-она ўрнининг ижтимоий-педагогик жиҳатлари билан таништириш. Оилаларда бўладиган турли муаммоли вазиятларни ечимини топишга ёрдам беришдир.

Тажриба-синовдан кутилган натижа: мазкур ишнинг оилаларда фарзанд тарбиясида баъзи жиҳатларга тайёр эмаслиги, тарбияда халқ педагогикаси намуналаридан фойдаланиш суғлиги натижасида оилавий ҳаётда учрайдиган турли ҳолат ва муаммоларни, уларни бартараф этиш йўллари билиш ва кўникмалардан хабардор бўлиш имконини беради.

Тажриба-синовни амалга ошириш технологияси: ҳозирги кундаги самарали технологиялар: савол-жавоб, тарқатма материаллар, анкета тест саволлари, сўровномалар, мултимедия воситалари.

Назорат: гуруҳлараро оғзаки сўров, қиёсий таҳлил ўтказиш.

Баҳолаш: рағбатлантириш ва ўз-ўзини фаолиятли баҳолаш.

Тажриба-синовнинг бориши: икки босқичда амалга оширилди.

1-босқич (ташкилий-йўналтирувчи). Танлаб олинган маҳалла билан танишиб чиқилгач, улардаги оилаларга маҳалла паспортидаги оилалар асосида кузатув ишлари бошланди. Ҳар бир оила билан алоҳида суҳбатлар ўтказилиб, у ердаги тарбия жараёнлари билан танишиб чиқилгач, уларни гуруҳларга ажратилди. Улар: юксак маърифатли, ўрта ҳол маърифатли ва оддий оилалар танлаб олинди. Ҳар бир гуруҳга 5 тадан оила иштирок этиб, 22 та саволдан иборат анкета тест саволларини тарқатиб чиқдик. Натижада:

- 1 гуруҳ. Юксак маърифатли оилалар 22 та саволдан 15 та 68 % ни
- 2 гуруҳ. Ўрта ҳол маърифатли оилалар 22 та саволдан 11 та 50% ни
- 3 гуруҳ. Оддий оилалар 22 та саволдан 10 та 45 % ни ташкил этди.

Кўрсаткичлар таҳлил қилиниб, тушунтириш ишлари олиб борилди. Ҳар бир иштирок этган оилалар билан якка тартибда шуғулланилиб, қуйдаги муаммоли саволлар билан мурожаат этилди.

1. Фарзанд тарбиясида қачондан бошлаш керак ?
2. Тарбия жараёнида қандай халқ педагогикаси намуналаридан фойдаланасиз?
3. Бола тарбиясининг бузилиб кетишида қандй омиллар таъсир кўрсатади?

Ушбу саволларга ҳар бир оила ўз таҳлилий муносабатини аниқ, ишончли маълумотлар билан баён қилиши кераклигини тушунтирдик. Таҳлил қуйдаги босқичларда олиб борилиши ота-оналарга тавсия этилди:

- Келтирилган муаммоли вазиятдан ҳал қилиниши лозим бўлган тарбия муаммоларини топиш.
- Тарбия муаммоларини келтириб чиқарган ижтимоий, психологик, биологик омилларни таҳлил қилиш.
- Тарбия муаммоларининг ечимини таклиф этиш ва тавсиялар бериш.

Ҳар бир гуруҳдаги оилалар келтирилган муаммоли вазият бўйича ўз таҳлилларини таклиф этишди. Масалан, 1-гуруҳ қатнашчилари келтирилган муаммоли вазият, тарбияда ўта муҳим эканлигини таъкидлаб, мазкур муаммолар жавобларини қуйдагича изоҳлашди.

Биринчидан, фарзанд тарбиясида туғилгандан бошлаб, тарбияга алоҳида эътибор ва назорат керак.

Иккинчидан, анъаналар ва урф-одатлар давомийлигини асраб-авайлаш, халқ қаҳрамонлари Алпомиш, Гўрўғли ва халқ эртақларидан тарбия жараёнида самарали фойдаланиш.

Учинчидан, фарзанд тарбиясининг бузилиб кетишида муҳитнинг таъсири катта эканлиги, бунинг учун ота-оналарнинг тарбия жараёнида

суствлиги ва болаларни бўш вақтларини мазмунсиз ўтиши, уларни доимий назоратсиз қолишида.

Бу жараёни ҳар бир оила тарбияда қўллаб, доимий фаолиятда амалга оширишлари мақсадида юксак маърифатли оилалар гуруҳи томонидан қуйдаги тавсиялар олға сурилди:

- ота-оналарнинг фарзанд тарбияси масалаларига алоҳида эътибор бериши;
- тарбияда таъсир этувчи омиллар ҳақида ўз фарзандларига доимий тушунчалар бериб бориши;
- ёшлар тарбиясида халқ педагогикаси анъаналари усулларида самарали ва доимий фойдаланиши;
- маҳаллаларда оилалар билан суҳбат, учрашув ва турли танловлар ўтказилиб турилиши.

Шу тартибда барча гуруҳдаги оилалар ўзлари олға сурган муаммо жавобларини билдирдилар ва уларнинг ҳам жавоблари таҳлил қилиб чиқилди.

2-босқич (таҳлилий). Гуруҳдаги оилалар ўз тақлиф ва мулоҳазаларини якунлагач, ҳозирда ёшларнинг ота-оналари талаби қай даражада, фарзанд тарбиясида қанчалик эътиборли, фарзандлар ота-оналаридан ҳаётда учраши мумкин бўлган турли зарарли иллатлардан ҳимояланиш учун қандай муносабат кутишаётганини ўрганиш мақсадида сўровнома ўтказдик. Унга кўра, 100% қатнашчининг, 58% ота-оналари уларни доимий назорат қилиб, маълум бир билимлар бўйича савол-жавоб ўтказиб туришларини, 32% эса уларни тўғарақларга илҳомлантириб, хориж тилларини ўрганишга шароит яратиб беришларини, 10% эса оммавий ахборот воситалари орқали бериб борилаётган зарурий янгиликларни таҳлил қилиб беришларини айтишди.

Оилаларда барча фикр-мулоҳазаларни умумлаштириб, оилавий ҳаётга тайёрлашнинг ижтимоий, психологик ва биологик жиҳатлари хусусида қўшимча илмий-назарий маълумотлар берилиб, видео роликлар намоиш этилди. Ноанъанвий машғулотлар жараёнида оилада дастлабки одоб-

ахлоқни шакллантиришда ота-онанинг ўрнига бўлган онгли ёндошувни, уларни мазкур йўналишдаги педагогик саводхонлик даражасининг ривожланиб бораётганлигини улар билан олиб борилган тажриба-синов мазмунида кўзга ташланди ва аниқланди. Қиёслаб, натижа самараси таҳлили юзасидан гуруҳларга 22 та саволдан иборат анкета тест саволлари тарқатилди. Натижада:

1-гуруҳ. Юксак маърифатли оилалар 22 та саволдан 19 та 86 % ни

2-гуруҳ. Ўрта ҳол маърифатли оилалар 22 та саволдан 16 та 77 % ни

3-гуруҳ. Оддий оилалар 22 та саволдан 14 та 63 % ни ташкил этиб, ижобий кўрсаткичга эришилди.

Натижалар таҳлилини методик жиҳатдан, таҳлил этар эканмиз, ноанъанавий машғулотларнинг ташкил этилиши ва бунда халқ педагогикаси намуналаридан самарали ҳамда доимий фойдаланиш, оилада дастлабки одоб қоидаларини шакллантиришда ота-онанинг ўрнига ижобий таъсир кўрсатади. Демак, болаларга одоб қоидаларини шакллантиришда ота-онанинг ўрни ўзига хос педагогик шароит ва махсус ташкил этилган тарбия жараёнини талаб этиб бунда:

- ота-оналарнинг фарзанд тарбиясида доимий назорати;
- тарбия жараёнида тизимли-фаолиятли ёндошув;
- тарбияда халқ педагогикаси намуналаридан доимий фойдаланиш;
- маҳалла ва оилаларда маънавий-маърифий ишларни доимий ўтказиш;
- нафақат фарзандлар, балки ота-оналарнинг ҳам бу соҳалардаги амалий саводхонлигини ошириш;
- оилада дастлабки одоб қоидаларини шакллантиришда ота-онанинг ўрнига қаратилган тарбиянинг янгича шакл методларини излаб топиш, амалиётга жорий этиш ҳамда бунда замонавий педагогик технологиялардан ўринли фойдаланиш, мақсадга мувофиқдир.

Умумий хулоса ва тавсиялар

Мамлакатимиз ўзининг мустақиллигига эришган кунидан бошлаб, демократик давлатчиликнинг ўзига хос ривожланиш жараёнида маънавий-маърифий, тарбиявий соҳада ўзига хос ижобий ўзгаришлар намоён бўлмоқда. Ушбу жараёнда халқимиз фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган ижобий ишлар мухтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан бўлаётган юртимиздаги ўзгаришлар таҳсинга сазовордир. Халқаро кузатувчилар, жаҳон ҳамжамияти ҳам бу борада республикаимизда амалга оширилаётган ишларга ижобий баҳо бермоқдалар. Айниқса, ҳар бир йилнинг бир-бири билан боғлиқ ҳолда номланиши ва бу борада амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовордир. Ушбу йиллар орасида “Оила йили”, “Соғлом авлод йили”, “Сихат саломатлик йили”, “Ижтимоий ҳимоя йили”, “Баркамол авлод йили”, “Соғлом бола йили”нинг дастурлари алоҳида аҳамият касб этади. Бу тадбирларнинг бош ғояси мазмунида халқимиз, Ватанимизнинг равнақи, оилаларнинг бахтли ҳаёти мужассамдир. Бу ишларнинг замирида халқ фаровонлиги, оила тотувлиги, оилавий муносабатларнинг ижобий қарор топиши сингари ҳаётининг кўникмалар ётади.

Ўзбек оиласи қадимдан эзгулик ва садоқат, аҳиллик ва поклик тимсоли бўлиб шаклланган ва бугунги кунгача халқимиз бу анъанани муқаддас сақлаган ҳолда асрлар силсиласидан ўта олади. Ўзбек оиласида анъанавий тарбия ҳамиша бош мезон бўлиб келган ва ундаги маънавий муҳит муҳим ўрин тутди. Шахс маънавияти, унинг дунёқараши, тасаввур ва эътиқодига оид кўникмалар асосан оила шароитида шаклланади. Оила ибрат мактаби, тарбия ва маънавият ўчоғи, ғоявий тарбиянинг омилидир.

Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, мазкур битирув малакавий ишнинг амалга оширишдаги кўрсатма ва вазифалар, оилавий муносабатларни ўрганиш орқали асосий мақсадга эришиш мақсад қилиб қўйилди.

Ана шу фикрларга ёндошилган ҳолда ушбу амалга оширилган тадқиқот ишининг мавзуси “Оилада дастлабки одоб қоидаларини шакллантиришда ота-онанинг ўрни” деб номланди ва оилавий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш кўзда тутилди.

Ушбу битирув малакавий иши кириш, иккита боб, ҳар бир бобда иккитадан кичик мавзу, хулоса, тавсиялар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, оиладаги маънавий муҳитни, ахлоқий тарбияни шакллантиришда амал қилиниши зарур бўлган вазифаларни белгилаш ва унинг моҳиятини очиб бериш асосий мақсад қилиб қўйилди.

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва мақсад вазифалари баён этилган бўлиб, инсоннинг маънавиятли шахс сифатида шаклланишида оиланинг ўрни, оиладаги маънавий муҳитни барқарорлаштириш, ота-оналарнинг фарзандлар олдидаги, фарзандларнинг ота-она ва жамият олдидаги бурч ва масъулият туйғусини кучайтириш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан эканлиги таъкидланган ва Президентимизнинг бу борадаги фикрлари баён қилинган. Шунга кўра қуйидаги услуб ва йўллар мақсадга мувофиқ деб танланади:

- шарқ алломаларнинг оилада бола тарбияси ҳақидаги қарашларини таҳлил қилиш;
- оилада бола тарбияси давлат сиёсатидаги устувор вазифалардан бири эканлигини асослаш;
- ота-она фарзандларига одоб қоидаларини шакллантириш усул ва воситаларини аниқлаш;
- оиладаги соғлом муҳитни яратиш омилларига эътибор бериш, шарт-шароитларини ўрганиш;
- оилада дастлабки одоб қоидаларини шакллантиришда ота-онанинг ўрнининг тажрибадаги натижаларини таҳлил қилишни кузатамиз.

Ана шу мақсадларни амалга оширишда Денов тумани Жаматак маҳалласи аниқ жой этиб белгиланди. Бунинг натижасида маҳалла тасарруфида бўлган турли табақаларга мансуб, турлича тузилиш характери

ва мазмунига эга бўлган оилаларни ўрганиш, оилада дастлабки одоб-ахлоқни шакллантиришда ота-она ўрнини белгилаш, бош нукта сифатида белгиланди.

Тадқиқотнинг биринчи боби “Оила одоб-ахлоқ тарбиясининг миллий-педагогик асослари” деб номланган бўлиб, унда фарзандлар тарбиясига, таълим олишига жиддий ёндошиш, баркамол инсон қилиб тарбиялаш, келажакнинг меваси сифатида қараш бош мақсад қилиб қўйилди. Буюк алломаларимизнинг асарларида баён этилган, фалсафий таълимотларига асосланган, фикрлари баён этилган, фалсафий таълимотларига асосланган, фикрлари баён этилган. Бунга кўра маърифатли, энг яхши ахлоқий фазилатларни ўзида мужассам этган ота-онагина баркамол фарзандларни вояга етказишга қодир эканликлари эътироф этилган.

Биринчи бобнинг биринчи кичик мавзусида шарқ алломаларнинг оилада бола тарбияси ҳақидаги қарашлари деб номланган. Жумладан, ўзининг бой тарихига эга бўлган халқимизнинг ўзига хос урф-одати, қадриятлари миллий менталитет доирасида фарзанд тарбиясида бой тажрибаси шаклланганлиги, асрлар давомида маънавий қадрият сифатида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган шарқ мутафаккирларининг бола тарбиясида оиланинг ўрни ва вазифаси ҳақида таъкидланади. Буни биз оилада мавжуд бўлган тарбиявий кўринишларда янгича жиҳатлари билан намоён бўлаётганлигини кузатамиз.

Оилада бола тарбияси давлат сиёсатидаги устувор вазифалардан бири эканлигини кейинги кичик мавзудан жой олган бўлиб, жамият учун зарур ҳисобланган фарзандларни руҳан ва жисмонан соғлом қилиб вояга етказиш нафақат ота-онанинг балки давлат ҳимоясида эканлиги таъкидланади.

Тадқиқотнинг иккинчи боби “Оилада дастлабки одоб қоидаларини шакллантиришнинг усул ва воситалари” деб номланган бўлиб, унда фарзандлар тарбиясида ота-оналарнинг ўрни ва вазифалари баён этилган. Бунга кўра маърифатли, энг яхши ахлоқий фазилатларни ўзида мужассам этган ота-онанинг баркамол фарзандларини тарбиялаш усул ва воситалари

эътироф этилган. Иккинчи бобнинг иккинчи кичик мавзуси “Оилада дастлабки одоб қоидаларини шакллантиришда ота-онанинг ўрнининг тажрибадаги натижалари” деб номланиб, унда оилаларда ташкил қилинган тажриба синов таҳлили ҳавола этилади.

Оилада она соғлиғини мустаҳкамлаш ва соғлом бола туғилиши масалаларига эътибор кучайтиралди, замонавий тиббий асбоб-ускуналар, профилактика тадбирлари мунтазам ўтказилмоқда. Оила масаласи давлат сиёсатининг бош мавзусига айланди. Зеро соғлом оила ва соғлом авлод ғоясининг асосчиси ва раҳбари бўлган Президентимиз ва давлатимиз олиб бораётган сиёсатни яқдиллик билан қўллаб қувватлаётган оилалар, аёллар ва ёшлар бу эзгу ниятларнинг тимсоли ва фаолларидир. Ушбу битирув малакавий ишнинг якуний қисмида юртбошимизнинг сўзларини келтиришни жоиз деб билдик, юртимизда ҳар бир инсон учун Ватан тушунчаси, аввало оиладан бошланади, шу боис оила ва мафкура, маънавият тушунчалари чамбарчас боғлиқдир. Оиланинг жамиятдаги тутган ўрни, тарбиявий-ахлоқий аҳамияти, кадр-қимматини англаб етмасдан туриб, халқимиз мафкурасини ярата олмаймиз. Ушбу сўзлар замирида оиланинг муқаддаслигига ишонч ҳисси, зўр эҳтиром ётадики, барчамизга дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Ўзбек оиласи қадимдан эзгулик ва садоқат, аҳиллик ва поклик тимсоли бўлиб шаклланган ва бугунги кунгача халқимиз бу анъанани муқаддас сақлаган ҳолда давомийлигини сақлаб келмоқда. Ўзбек оиласида анъанавий тарбия ҳамиша бош мезон бўлиб келган ва ундаги маънавий муҳит муҳим ўрин тутди. Қуш уясида кўрганини қилади, дейилган халқимизнинг машҳур мақоли айнан оиладаги маънавий тарбияни, муҳитни шакллантиришда муҳим воситадир. Ота-онанинг бир-бирларига бўлган муносабатларидан бола андоза олади ва ўзи ҳам шунга интилади. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, олиб борилган тажриба синов натижаларига асосланиб, оилада дастлабки одоб қоидаларини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари самарадорлигини ошириш учун қуйидаги **тавсияларни** тақдим этиш мумкин:

- ота-онага, ака-укага, опа-сингил, қариндош-уруғларга, кекса кишиларга, маҳаллагузар аҳолига ҳурмат ҳиссини фарзандларда шакллантириш;

- фарзандларнинг маърифат ва маданиятга эътиборини жалб этиш уларнинг бадиий-эстетик тарбиясига аҳамият бериш;

- фарзандларга ота-боболаримиздан мерос бўлиб келган дастурхон одоби, меҳмондорчилик, муомала одоби сингари кўникмаларни сингдириш;

- оммавий ахборот воситалари орқали ёритилган дастурларнинг одоб-ахлоққа молик ҳолатларини оилавий муҳитга таъсирчанлигини ҳисобга олган ҳолда ёндошиш;

- мактабда, ўқув юртларида, иш жойида ўртоқлари ва ҳамкасблари билан одоб доирасида муомала қилишни шакллантириш;

- оилада ижтимоий, маънавий муҳитни соғломлаштириш йўлида олиб борилётган тадбирларни амалга оширишда фарзандлар тарбиясига алоҳида эътибор бериш;

- оиладаги одоб-ахлоқни шакллантиришда умумий тарзда ота-она, ака-ука, опа-сингил, қариндошларга бўлган яхши муносабатларни ўзлаштирашни бош мезон деб тушуниш.

Оиладаги одоб-ахлоқни шакллантиришдаги муҳим омиллардан яна бири маҳаллада ташкил этиладиган тадбирларда, яхшилик ва оғир кунларда маҳалладошлар орасида бўладиган оқибатли ишлардан фарзандларни огоҳ этиш ва уларнинг ёшларига ва жинсларига қараб тадбирларда иштирок этишларини таъминлашдан иборатдир. Умуман олганда ўзбек оиласи ҳамиша миллий тарбияга алоҳида эътибор берилган ҳолда одоб доирасидаги кўринишларда тарбия мезонига таянади. Ўзбек оиласида миллий тарбияни шакллантириш ва унга алоҳида эътибор бериш ҳамиша бош вазифа бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Илова

Фарзанд тарбиясида оила, маҳалла ва таълим муассасаларининг ўрнини ўрганиш бўйича социологик анкета тест саволлари.

Ҳурматли, ота-оналар ушбу саволларга жавоб бериш орқали ўзингизни оилада фарзанд тарбияси тўғрисидаги тасаввурларингизни такомиллаштириб олишингиз мумкин.

Яшаш манзилингиз: _____ туман
_____ маҳалла

Исми фамилиянгиз _____

Туғилган йилингиз _____

Оилада неча нафар фарзандингиз бор? ____ та

Саволлар

Оила қуришдан мақсадингиз?

- *а) зурриёд қолдириш
- б) ёқтирган киши билан бирга бўлиш
- в) табиат қонуни бўлгани учун
- г) билмадим

Неча ёшдан оила қуриш мақсадга мувофиқ?

- *а) 18-22 ёш
- б) 22-26 ёш
- в) 26-30 ёш
- г) билмадим

Оила қурганингиздан кейин...

- *а) ота-онам билан яшашни хоҳлайман
- б) мустақил яшашни хоҳлайман
- в) ўйлаб кўраман
- г) билмадим

Оилда ким оила бошлиғи деб ҳисоблайсиз?

*а) эр

б) хотин

в) тенг ҳуқуқли

г) билмадим

Оила бахти учун фарзанд бўлиши зарурми?

*а) ҳа

б) йўқ

в) зарур

г) билмадим

Соғлом фарзанд кўришда қайси омиллар етакчи роль ўйнайди?

*а) барча омиллар

б) ота саломатлиги

в) оиланинг моддий таъминоти

г) она саломатлиги

Нечта фарзанд бўлишини хоҳлайсиз?

*а) 3 та

б) 2 та

в) 5 та

г) билмадим

Бугунги кунда оилада бола тарбияси билан асосан ким шуғулланмоқда?

*а) ота-она

б) она

в) ота

г) билмадим

Фарзандингизни ҳар доим эркалайсизми?

*а) ҳа

б) баъзида

в) йўқ

г) билмадим

Фарзандингиз тарбиясида мактабнинг ўрни қандай?

*а) яхши

- б) ёмон
- в) ўрта
- г) билмадим

Болангиз билим оладиган мактабда шароитлар етарлими?

- *а) етарли
- б) етишмайди
- в) қисман
- г) билмадим

Болангизга билим берадиган ўқитувчилардан қониқасизми?

- *а) ҳа
- б) йўқ
- в) ўртача
- г) билмадим

Болангиз таълим-тарбиясида мактаб билан алоқада бўласизми?

- *а) ҳар доим
- б) баъзида
- в) ҳар куни
- г) билмадим

Болангиз ўқув қуроллари билан тўлиқ таъминланганми?

- *а) тўлиқ таъминланган
- б) кам таъминланган
- в) таъминланмаган
- г) билмадим

Болангизнинг кундалик дафтарини неча кунда текшириб турасиз?

- *а) ҳар куни
- б) ҳафтада
- в) бир ойда
- г) текширилмайман

Сиз яшаётган жойда маҳалланинг ўрни қандай?

- *а) яхши
- б) ёмон

в) ўртача

г) билмадим

Оилангизда маҳалла аъзолари суҳбатлар ўтказиб турадими?

*а) ҳа б) йўқ в) баъзида г) билмадим

Болаларни ёмон йўлларга кириб кетишининг сабаблари.

*а) ота-оналарининг масъулиятни ҳис қилмаслигида

б) боланинг назоратсиз қолишида

в) болани эрка қилиб ўстиришда

г) билмадим

***Фарзандингизни қай даражада назорат қиласиз?**

а) ҳар куни

б) баъзида

в) ҳафтада

г) билмадим

Болангизга китоб сотиб олиб берганмисиз?

*а) ҳа б) йўқ в) баъзида г) билмадим

Бўш вақтингизда қандай ишлар билан банд бўласиз?

*а) фарзанд тарбияси б) телевизор кўраман

в) газета ўқийман г) ухлайман

Оилавий ажралишларнинг сабаблари нимада?

*а) бир-бирини тушунмаслик б) иқтисодий қийинчилик

в) фарзандсизлик г) билмадим

Берган жавобларингиз учун раҳмат.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент, 1992 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги Қонуни. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”//Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т.: «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг Бош тахририяти, 1998 йил.
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби мукаддасдир. Т.: “Ўзбекистон” 1996
4. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. - Тошкент, Ўзбекистон, 2000.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: “Ўзбекистон”, 1997.
6. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т.: “Ўзбекистон”, 1998.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т.: “Ўзбекистон”, 1998.
8. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. –Т.: “Ўзбекистон”, 8 том, 2000 йил.
9. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. –Т.: “Маънавият”, 2008 йил.
10. Каримов И.А. Аёлга эҳтиром. –Т.: “Ўзбекистон”, 1999 йил.
11. Абдулла Авлони. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. –Т.: “Ўқитувчи”, 1996.
12. Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шахри. –Т.: “Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси”, 1993 йил.
13. Афанасьева Т.М. Оила. –Т.: “Ўқитувчи”, 1986 йил.
14. Арнаутова Е.П. Педагог и семья. –М.: 2001 г.
15. Дехқонов М.Р. Мустақил Ўзбекистонда оила маънавиятини такомиллаштиришнинг дунёвий ва диний муаммолари. –Т.: “Ўқитувчи”, 2006.
16. Имом Исмоил ал-Бухорий. Ал-адиб, ал-муфрад. –Т.: “Ўзбекистон”, 1992 .
17. Исмоилов Ҳ. Ўзбек тўйлари. –Т.: “Ўқитувчи”, 1992 йил.
18. Мавлонова Р, Тўраева О, Холиқбердиев К. Педагогика. –Т.: “Ўқитувчи”, 2008 йил.
19. Мунавваров А. Оила педагогикаси. –Т.: “Ўқитувчи”, 1994 йил.
20. Оилада баркамол авлод тарбияси. –Т.: “Фан ва технология”, 2010 йил.
21. Отавалиева У. Бола тарбиясида боғча ва оила ҳамкорлиги. –Т., 1994 йил.

22. Ризоуддин ибн Фахруддин. Оила. –Т.: “Меҳнат”, 1991 йил.
23. Ризоуддин ибн Фахруддин. Насиҳат. –Т.: “Чўлпон”, 1993 йил.
24. Тўраева О. Оилавий ҳаёт этикаси ва психологияси. –Т.: “Ўқитувчи”, 1998
25. Усмонов Р. Саодатнома. –Т.: “Ўқитувчи”, 1995 йил.
26. Фитрат А. “Оила ёки оила бошқариш тартиблари”. Т.: “Маънавият” 1998
27. Қуръони Карим. Ўзбекча изохли тарожимаси.А.Мансур. –Т.: “Шарқ”, 1992 йил.
28. Ҳасанбоева О. Оилада маънавий-ахлоқий тарбия. –Т., 1998 йил.
29. w.w.w. pedagog. uz.
30. w.w.w. ziyonet.